

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари
халқимизга хизмат қилиши керак.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

2(86) – 2020

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS ■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Илмий-марифий журнал – Scientific and educational magazine – Научно-просветительский журнал



CANDIDATE TO THE UNITED NATIONS HUMAN RIGHTS COUNCIL 2021-2023



ISSN: 2181-6409

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

ВА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

2 (86) — 2020

Бош муҳаррир:
Акмал САИДОВ

Халқаро таҳрир кенгаши:

Танзила НАРБАЕВА
(Ўзбекистон)

Қудратилла РАФИКОВ
(Ўзбекистон)

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ
(Ўзбекистон)

Аслан АБАШИДЗЕ
(Россия Федерацияси)

Акира ФУЖИМОТО
(Япония)

Уильям БАТЛЕР
(АҚШ)

Тадеуш БОДИО
(Польша)

Марғуб БУТ
(Ислом Ҳамкорлик ташкилоти)

Рейн МЮЛЛЕРСОН
(Эстония)

Татьяна МОСКАЛЬКОВА
(Россия Федерацияси)

Сергей УДАРЦЕВ
(Қозоғистон)

Таҳрир ҳайъати:

Мирзатилло Тиллабаев –
юридик фанлар доктори, доцент

Халим Бобоев – юридик фанлар
доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси фан арбоби

Омон Оқюлов – юридик фанлар
доктори, профессор, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган юрист

Асқар Ғафуров – юридик фанлар
номзоди, доцент

Музаффар Мамасиддиқов
– юридик фанлар доктори,
профессор

Михаил Гасанов – юридик
фанлар номзоди, доцент

Елизавета Кутыбаева – юридик
фанлар доктори, профессор

Бош муҳаррир ўринбосари:

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Масъул котиб:

Севара ИШМУРАТОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚАРОРИ

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг
халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг
Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга
риоя қилинишининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақида 8

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING

**БАРЧА ВАТАНДОШЛАР, МЕҲНАТКАШЛАР, ФАХРИЙЛАР,
АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРГА МУРОЖААТИ**
Қудратимиз – бирликда, биз ғалаба қозонамиз! 10

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

Ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг
эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди 12

ПАНДЕМИЯ ВА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ

Антониу Гутерриш. Бу инкироз авваламбор инсонпарвар
характерга эга бўлиб, ҳамжиҳатликни талаб этади 14

Танзила Нарбаева. Ҳамжиҳатликда бу синовдан ёруғ юз билан ўтиб оламиз 17

Акмал Саидов. Коронавирус – ўткинчи, инсон ҳуқуқлари – барҳаёт 21

Ғулом Мирзо. Инсон ҳуқуқлари ва тиббий таълим истикболлари 25

ЎЗБЕКИСТОН: ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Пандемияга қарши кураш:
Ўзбекистон тажрибаси айрим ўлкалар учун ўрнатилган бўлиши мумкин 28

Сурайё Усмонова. Пандемиянинг Ўзбекистонда туризм соҳасига
таъсири: хавфлар, чора-тадбирлар ва кутилаётган натижалар 32

Одилжон Сулайманов. Коронавирус пандемияси даврида
суд фаолиятига оид халқаро ва миллий стандартлар 35

Олим Файзиев. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон
Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига
келиб тушган муурожаатлар таҳлили 39

Луқмонжон Исоқов. Пандемия даврида миграция ҳуқуқи 43

Анвар Яшнарьбеков. Пандемия даврида юридик-техник нормаларнинг
ўзига хос хусусиятлари 46

Азизхон Пўлатов. Пандемия даврида карантин шароитида
суд-тергов процессига оид долзарб муаммолар 49

Мансур Мусаев. Коронавирусга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси
халқаро ҳамжамият эътирофида 53

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) – 2019 йилда 56

АНЖУМАНЛАР. ТАДБИРЛАР. ТАҚДИМОТЛАР 59

МУАССИС:



ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ
БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҲАММУАССИСЛАР:



ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ



ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ
БҮЙИЧА ВАКИЛИ
(ОМБУДСМАН)

БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтириш, бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқаро ҳамда миллий нормалар қоидаларини тарғиб қилиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг ижросини ўрганиш;

ўз ваколати доирасида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларини қонун ҳужжатларига татбиқ этишни ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳолатидан жамоатчиликни ҳабардор қилиш;

имконияти чекланган болалар, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мақсадли коммунал уй-жой фондидаги белгиланган санитария ва техник меъёрларга ҳамда қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб берадиган турар жой билан таъминлашига қўмаклашиш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қўмаклашиш, бунда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

маслаҳат, тавсия ва хулосалар бериш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (кейинги ўринларда – Вакил) ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажаради;

Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда берилган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас;

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин;

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Вакилнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палата-

ларига боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида **маъруза** тақдим этади;

бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига эътиборни кучайтириш зарур бўлганда Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган **махсус маърузалар** тақдим этиши мумкин;

Вакил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи **минтақавий вакилларига** эга бўлади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вакил билан келишилади.

4. Вакилга ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборот ва материаллар сўраб олиш;

давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш ва суд томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиш;

бола ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш ва мурожаатлар кўриб чиқиш доирасида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига бола ҳуқуқлари соҳасидаги қо-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

нун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни барта- раф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида бола ҳуқуқлари ва эркин- ликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли ор- ганларга илтимоснома билан кириш;

қонунда назарда тутилган ҳолларда бола- нинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғри- сидаги аризалар ва даъволар билан судларга муурожаат қилиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинли- клари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қи- лиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнлари- да қонунда белгиланган ҳоллар ва шаклларда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғ- лиқ масалалар бўйича сўровномалар ўтказиш, шунингдек, бола ҳуқуқлари амалга оширили- ши тўғрисида статистик маълумотлар йиғиш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш- нинг долзарб жиҳатлари юзасидан ўқув-семи- нарлар ва тренинглар ташкил қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир эксперт ва илмий-таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, олимлар ва мутахассисларни бел- гиланган тартибда, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва улар- ни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассаса- лар, хизматлар, органларга, шу жумладан, таъ- лим, тиббиёт муассасалари, қамқода сақлаш жойлари ва жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам равишда ва монеликсиз кириш;

Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ва хорижий давлат ҳудудида бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги келишувларга ва бошқа шартномаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органларига ва омбудсманларига сўровномалар юбориш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро таш- килотлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг аъзолигига кириш, шунингдек, бошқа давлат- лар омбудсманлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий инсти- тутлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморан- дум, келишувлар тузиш, кўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, бола ҳуқуқлари масалалари юзасидан халқаро форумларда мунтазам равишда иштирок этиш.

5. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қи- лиш мақсадида Вакил хузурида **Бола ҳуқуқлари- ни ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Кенгашнинг **асосий вазифала- ри** этиб белгилансин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амал- га ошириш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодав- лат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўза- ро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону- ний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва монито- рингини олиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонун- чиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону- ний манфаатларини таъминлаш ҳолати ҳамда Вакил фаолияти юзасидан жамоатчиликни ха- бардор қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш таркибига обрў-эътиборли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахбо-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

рот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда **уч ой муддатда** бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда**:

халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунга** мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш;

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Вакилни давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхатига қўшиш бўйича ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш тавсия этилсин.

8. Вакил **2020 йил 1 ноябрга қадар** бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳолатни танқидий

ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятини зарур шарт-шароитларга эга бўлган алоҳида бино (хоналар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан, уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚАРОРИ

**ИНСОН ҲУҚУКЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА
РИОЯ ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА**

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ахборотини кўриб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таъкидлайдики, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан зиёд халқаро ҳужжатга, шу жумладан БМТнинг 6 та асосий ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар доимий равишда БМТнинг тегишли органларига тақдим этилмоқда.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштирилмоқда. Ўзбекистон қатор нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган шартнома, битим ва конвенцияларга қўшилмоқда. Хусусан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси 7 та шартнома, 10 та битим, 7 та конвенция, 5 та устав ҳамда 5 та битим ва конвенцияга баённомани ратификация қилди, шунингдек, 6 та халқаро конвенция ва шартномага қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни амалга ошириш бўйича қатор қонун ҳужжатлари халқаро норма ва стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда. Жумладан, фуқа-

роларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Кодексга ўнлаб янги норма ва қоидалар киритилиб, амалда бўлган айрим тартиб-таомиллар бекор қилинди. Хусусан, Экологик ҳаракатга қўйилган квота бекор қилиниб, сиёсий майдон тўлиқ сиёсий партияларга берилди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқарилди, сайловчиларнинг ягона электрон рўyxатини юритиш тартиби жорий этилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар барча сайловларда қатнашиши мумкинлиги белгиланди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга қаратилган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонун билан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди, хотин-қизларга нисбатан тазйиқлар ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилди, тазйиққа дуч келган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш тартиби жорий этилди.

Маъмурий назоратнинг асосий принципларини белгилаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормалар билан уйғунлаштириш, хусусан, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслари, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби қонунлар қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, улар парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми якунларига доир таклифлар ва тавсияларни амалга ошириш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури ижроси юзасидан «йўл хариталари» шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, бу соҳадаги умум эътироф этилган қоидаларни ҳамда халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги ишларни доимий равишда давом эттириш талаб этилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг «2018–2019

йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида»ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда қўмиталарга «2018–2019 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида»ги ахборотни ўз фаолиятларида эътиборга олиш тавсия этилсин.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши борасидаги ишларда давлат органлари фаолиятига қўмаклашишни кучайтириш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини мунтазам равишда мониторинг ҳамда таҳлил қилиб бориш;

тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни янада жонлантириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиб бориш тавсия этилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Спикери**

Н. Исмоилов

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 май,
№ 270-IV*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга рио я қилинишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган.

2018-2019 йиллар давомида Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича бешта миллий маъруза тайёрланди ҳамда БМТнинг тегишли тузилмаларига тақдим этилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиб, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган.

Бола ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола

ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сонли қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни кўзда тутувчи ўзгартишлар киритилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида Олий Мажлис палаталари кенгашларининг Қўшма қарори билан “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури” тасдиқланган.

Дин ва виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.

Шунингдек, диний ташкилотларни рўйхатга олиш, фаолиятини тугатиш ва рўйхатга олувчи орган олдида ҳисобот бериш тартиби соддалаштирилган.

Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 3 та шартномаси ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соҳада халқаро стандартларни самарали қўллашга салбий таъсир кўрсатадиган жиддий муаммо ва камчиликлар мавжуд:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

миллий маърузаларни тайёрлашда давлат органлари ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик даражаси паст. Кўп ҳолларда алоқадор вазирлик ва идоралар томонидан юзаки маълумотлар тайёрланиб, уларни ўз вақтида тақдим этишда сустрекликларга йўл қўйилмоқда;

вазирлик ва идораларнинг халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларининг ижросини мониторинг қилиш тизимида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам кўриб борилиши ва баҳоланиши йўлга қўйилмаган;

миллий ва муқобил маърузаларни тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш талаб даражасида ташкил этилмаган;

давлат органларидаги мавжуд статистик ҳисобот тизими сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича маълумотлар тўплашнинг халқаро талабларига мос келмайди;

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари масалалари бўйича давлат органлари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари самарали ташкил этилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари:

“2018-2019 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида”ги ахборотни ўз фаолиятларида инобатга олсин;

иш режаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, шунингдек келгусидаги иш ре-

жаларини тузишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалардан фойдалансин;

кўмита мажлислари ва парламент эшитувлари мазмунидан келиб чиқиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ушбу тадбирларга жалб этсин.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази:

икки ой муддатда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг даврий маърузаларини кўриб чиқиш яқунлари юзасидан БМТнинг шартномавий кўмиталарининг тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаларини (“йўл харита”ларини);

бир ой муддатда миллий маърузаларни тайёрлашга алоқадор вазирлик ва идоралар ўртасида мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва масъулиятни ошириш бўйича таклифларини;

бир ой муддатда миллий ва муқобил маърузаларни тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни;

бир ой муддатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари масалалари бўйича давлат органлари ходимлари учун ўқув курслари дастурини;

икки ой муддатда Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан ҳамкорликда (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимлари учун туркум ўқув семинарлари дастурини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритиш тавсия этилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси

Сенатининг Раиси

Т. Нарбаева

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 май,
№ СҚ-82-IV.*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИНГ
БАРЧА ВАТАНДОШЛАР, МЕҲНАТКАШЛАР, ФАХРИЙЛАР,
АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРГА МУРОЖААТИ

ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИҚДА, БИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНАМИЗ!

Бугун дунёда кезиб юрган таҳликали шарпа — коронавирус инфекцияси кўринмас қўли билан инсонларнинг ширин жонига чанг солиш ҳаракатида бўлмоқда. Унинг яна бир даҳшатли изи жаҳон иқтисодиётини таназзулга етакламоқда. Халқлар фаровонлиги ва дунё иқтисодиёти тараққиётига зарба бермоқда. Кун-у тун шовқинга тўлган шаҳарлар бирин-кетин жимгина бўшаб қолмоқда. Бу машъум пандемиянинг дунё ва биз кўраётган ҳозирги манзараларидир. Ҳали келажакда яна нималар рўй беришини эса ҳеч ким билмайди. Аммо халқимизнинг қалбида бир ишонч борки, бу синовлардан талафотсиз ўтиш умиди — Аллоҳнинг марҳамати, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, миллат бирдамлигига ишончдир.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режани ўз вақтида ва жуда қисқа фурсатда қабул қилди. Мамлакатда минтақалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эпидемияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди. Умумий мақсад аниқланди — қатъият билан касаллик тарқалишининг олдини олиш. Бунинг кучи шундаки, бутун мамлакат ушбу пандемияга қарши курашда ягона режага амал қилиши зарур. Ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлар инфекция манбасини назорат қилиш ва унинг тарқалиш йўллари эпишдир.

Миллат лидери профилактика ва назоратнинг асосий талабларини аниқ белгилаб берди: эрта аниқлаш, эрта маълумот бериш, эрта карантин ва эрта даволаш, беморлар, мутахассислар ва имкониятларни керакли жойларда жамлаш. Асосий вазифа даволанишга қабул қилинган ва даволаниб бўлган беморлар сонини ошириш, шунингдек, касалликни юқтириш кўрсаткичини камайтириш бўлди.

Одамлар ҳаракатини қатъий ва ҳар томонлама назорат қилиш ва бошқариш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай стратегик ечимни ишлаб чиқиш учун Шавкат Мирзиёевнинг улкан сиёсий жасорати керак эди. Агар ёрдам қўлини чўзиш керак бўлса, албатта, қўл чўзилиши керак, чунки иккиланиш одамларда тартибсизлик ва ваҳима уйғотиши мумкин.

Биз ишонамизки, Ўзбекистон халқи ўз давлатининг қудрати ва руҳини, улкан масъулият ва онглиликни намоён этмоқда, бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Вирус тарқалишининг олдини олиш учун мамлакатдаги энг йирик жамоатчилик ташкилотининг 5 миллионлик армияси ва маҳаллаларнинг ҳар бир аъзоси карантин нима учун зарурлигини англаб етиши керак. Бугун бизнинг асосий вазифамиз уйда қолиш эканини ҳеч ким ёдидан чиқармаслиги лозим.

Бу вирус ҳеч кимни — на бойни, на камбағални, ҳеч бир мамлакатни аяб ўтирмайди. Оиламиз ва дўстларимизни асраб қолиш учун уйда қолишимиз кераклигини тушунмаслик ва бу талабларни эътиборсиз қолдириш хиёнатдир.

Давлатимиз раҳбари бизни имкон қадар ҳушёрликни йўқотишдан эҳтиёт бўлишга ундайди, биз тасодифга ишонмаслигимиз ва ҳаракатларимизни сусайтирмаслигимиз керак. Акс ҳолда, бу эришилган барча натижаларни йўқ қилиш даражасидаги оғир оқибатларга олиб келади. Давлат идоралари, барча даражадаги раҳбарлар, касаба уюшма ташкилотлари, мамлакатнинг барча ватанпарвар фуқаролари пандемиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ишларни давом эттириш учун

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНинг БАРЧА ВАТАНДОШЛАР, МЕХНАТКАШЛАР, ФАХРИЙЛАР, АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРГА МУРОЖААТИ

тишни тишга қўйиб, қўлларни мушт қилиб, ғалабага бўлган ишончларини кучайтиришлари талаб этилади.

Президентимиз тиббиёт ходимлари бу пандемияни енгишда асосий куч эканини алоҳида таъкидламоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун хорижлик мутахассисларнинг имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига пандемияга қарши курашда жанговар руҳни сақлаб қолишлари, инсонлар ҳаётини ҳимоя қилиш, шахд ва шиддати, кучли иродасини намён этишлари учун руҳий мадад ва доимий ғамхўрлик кўрсатилиши лозим.

Иқтисодиёт ва жамият – бу узок вақт бир жойда тўхтаб қолиши мумкин бўлмаган ягона тизим. Президент таъкидлаганидек, коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишни кафолатлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, одамлар ҳаёти хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришиш зарур.

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси барча ватандошлар, ишчи-хизматчилар, фахрийлар, аёллар ва ёшларни халқимиз томонидан яқдиллик билан сайланган муҳтарам Миллатимиз Сардори Шавкат Мирзиёевнинг даъватлари йўлида бирлашишга ва бошимизга тушган жиддий синовни тезроқ енгиб ўтиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга чақиради:

– Бугун Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди коронавирусга қарши курашиш ва унинг ҳаётимизга салбий таъсирини камайтириш учун шахсий жавобгарлигини ҳис қилиши зарур.

– Ишлаб чиқариш корхоналари, фирма ва компаниялар ишчилари, мард ва танти фермерларимиз, ижтимоий соҳа вакиллари ўз фаолиятини иқтисодиётимиз барқарорлиги – Ўзбекистонимиз фаровонлигининг асосини таъминлаш учун бир неча баробар ошириши керак.

– Шифокорларимиз, ҳамшираларимиз, санитарларимиз, қўйингки, барча тиббиёт ходимлари бугун фидойилик, жонфидо қаҳрамонлик кўрса-

тиб меҳнат қилмоқдалар. Барчамиз уларнинг талаб ва тавсияларига қатъий риоя қилишимиз ва сўзсиз итоат этишимиз шарт.

– Биз азиз фахрийларимизни, кекса юртдошларимизни донолик ва босиқликка, карантин бекор қилинмагунча уйларида чикмасликка, ёш авлодга интизом намунасини кўрсатишга ва шифокорлар тавсияларига амал қилишга чақирамиз!

– Биз аёлларимиз, оналаримиз ва опа-сингилларимизни – оила ўчоғининг чинакам фаришталарини бирон бир уйга, бирон бир оиллага бало келмаслиги учун барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга ундаймиз!

– Биз келажак авлод – ўғил ва қизларимизни эҳтиёткорлик ва вазминликни унутмаслик, вазиятдан фойдаланиб, билимларини ошириши, давлатимиз саъй-ҳаракати билан тайёрланаётган телевизион дарслар ва ўқув дастурларини қолдирмай кўришга чақирамиз!

– Ишончимиз комилки, мамлакат фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигини кун-у тун ҳимоя қилаётган фидойи ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бундан кейин ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажарадилар. Биз уларга Ўзбекистоннинг барча минтақаларида барқарорлик ва тартибни сақлашга қаратилган карантин тадбирларини сўзсиз амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беришимиз лозим.

– Ушбу оғир даврда ўзининг ғайриижтимоий ҳаракатлари билан мамлакатимиздаги вазиятни издан чиқаришга уринаётган айрим фитнесчиларнинг турли миш-миш, фараз-у тахминларининг олдини олиш учун барчамиз қатъий чоралар кўришимиз талаб этилади.

– Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Президентимиз атрофида бирлашсак, шак-шубҳасиз, барча қийинчиликларни енгиб ўтамиз!

– Янги Ўзбекистон ҳаётининг бош тамойилини ҳеч қачон унутманг: «Ҳеч бир одам, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигисиз қолмайди!»

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгашининг пленумида қабул қилинган.
2020 йил 4 апрель**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

ҲЕЧ БИР ИНСОН, ҲЕЧ БИР ОИЛА ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан ортиқ мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Тарихда ҳали дуч келинмаган бу юқумли касалликка чалинганлар сони бир неча миллион кишига етди.

Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Шунга қарамасдан Ўзбекистонда инфекция тарқалишини деярли бир ой давомида секинлаштиришга муваффақ бўлинди. Бу вақтдан ютиш, касалхоналардаги даволаш ўринларини кўпайтириш, чет эл давлатларининг даволаш тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш имкониятини берди. Касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг барвақт олди олинishi ҳамда самарали профилактика тадбирларининг тезкорлик билан амалга оширилиши унинг асоратлари кўламларини чеклашга хизмат қилди.

Халқимиз ана шундай қалтис вазиятда тушкунлик ва саросимага тушгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, “Кўпни кўрган, турли синовларда тобланган мард ва матонатли халқимиз билан бу вақтинчалик қийинчиликларни биз, албатта, енгиб ўтаемиз”¹.

Мамлакатимизда Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимида ўтказилиб, тиббиёт муассасалари, сихатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Коронавирусга чалинганлар диагностикаси, даволаш, карантин ишлари БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида йўлга қўйилди. Ниҳоятда қисқа муддатда Тошкент вилоятида 20 минг беморга мўлжалланган мах-

сус шифохона ва карантин зонаси барпо этилди. Хитой, Германия ва Россиядан нафас бериш аппаратлари, касалликни аниқловчи тестлар олиб келинди. Ўзбекистонга Жанубий Корея ва Хитойдан юқори малакали вирусологлар таклиф қилинди. Мамлакатимиз шифокорларининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси экспертлари, Германия, Япония, Исроил, Буюк Британия, Россия, Туркия каби давлатлар мутахассислари билан доимий телетиббиёт алоқалари йўлга қўйилди.

Коронавирусга қарши курашда тиббиёт ходимлари, худди жанг майдонида бўлганидек ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, беморларни тузатиш учун чинакам матонат намунасини кўрсатмоқдалар. Уларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунасига айланди. Шифокорлар, тиббиёт ҳамширалари охириги бемор тузалмагунча иш жойларини тарқ этмасликка аҳд қилганлар. Тиббиёт ходимларининг бу фидойиликлари давлатимиз томонидан юқори баҳоланиб, улар маънавий, ижтимоий ва моддий рағбатлантирилмоқда.

Коронавирус пандемиясининг аҳолимиз турмушига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш, фуқароларимизни, айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан узлуксиз таъминлаш тизими йўлга қўйилган. Нарх-наволарнинг ошиб кетмаслиги қатъий назорат остига олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан бозорлардаги нарх-навонинг ўзгариши мунтазам кузатилиб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотлар савдога чиқарилмоқда.

¹ “Улуғ халқ қудрати жўш ўрган замон” // ЎЗА, 2020 йил 4 апрель.

Бу синовли даврда ҳеч бир фуқаро қийин вазиятда яққаланиб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ажратиш муддати 6 ойдан 1 йилгача узайтирилди. Карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги мавжуд инсонларга 18 турдаги озиқ-овқат ҳамда гигиена воситалари бепул етказиб берилмоқда. Мактаб ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари масофадан туриб, “онлайн” режимда таълим олмақда.

Эҳтиёжманд ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларга мурувват ва саховат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармасига қисқа муддатда фуқароларимиз, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Бу халқимизнинг ҳозирги хавф-хатарга қарши елкама-елка курашишга тайёр эканлигининг ёрқин исботи бўлди.

Коронавирус пандемияси инсонлар ҳаётига хавф солиш билан бир қаторда бутун дунёни иқтисодий инқирозга олиб келаётгани тобора аниқ бўлиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар таҳлилларига кўра, пандемиянинг жаҳон иқтисодиётига зарари камида 5 триллион долларни ташкил қилади.

Ўзбекистонда коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланган. Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишига қўшимча 3,6 триллион сўм ажратилди. Бу маблағлар, энг аввало, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади. Хусусан, 152 та лойиҳа амалга оширилса, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайдиган бўлди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилди. Шунингдек, йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисобланмайдиган бўлди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилди. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилади. Тадбиркорларнинг кредитлари

фоизини қоплашга қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Шунингдек, қийин аҳволдаги корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг кредит мажбурияти муддати узайтирилди.

Ҳозирги оғир шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 28 мингдан зиёд хунармандга 2019 йилда 50 миллион доллар маблағ ажратилган эди. Ушбу соҳа учун бу йил ҳам 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда.

Инқирозли вазиятда озиқ-овқат таъминоти масаласи кучайиб, айрим давлатлар ўзи етиштирган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини четга чиқармаслик чораларини кўрмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бугунги кунда энг долзарб масалага айланмоқда.

Жаҳон банки ўз ҳисоботида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини таъминлайдиган манба сифатида қишлоқ хўжалигининг имкониятлари катталигига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ғоят кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йилдан эътиборан пахта ва ғаллага давлат буюртмасидан воз кечилиб, нарх белгилаш эркинлаштирилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда кластер тизимига ўтилди ва уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратилди. Бу маҳсулот ҳажмини кескин кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, даромад ва манфаатдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш мақсадида янги боғ ва токзорлар орасига картошка, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, кўкат, нўхат, мош, ловия, помидор, бодринг, булғор қалампери ва полиз экинлари экиладиган бўлди. Айниқса, юртимизнинг барча ҳудудларида аҳоли ихтиёридаги томорқа хўжаликларидан фойдаланишда Асака, Олтинкўл, Наманган, Уйчи, Ангор, Жарқўрғон, Китоб, Тойлок, Самарқанд, Янгийўл, Зангиота, Олтиариқ, Кува каби туманлар тажрибасидан фойдаланиб, йилига 2-3 марта ҳосил олиш орқали юқори даромадга эришиш имкониятларини ишга солиш зарур.

Коронавирус пандемиясига қарамасдан мамлакатимизда фаолият юритаётган бирон-бир тизим тўхтаб қолмади. Тарихда жуда кўп қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтган улуғ ва меҳнаткаш халқимизнинг қудрати, ақл-заковати, сабр-матонати ва меҳр-оқибати ушбу оғир синовларни ҳам, албатта, енгиб ўтиши шубҳасиз.

ПАНДЕМИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

БУ ИНҚИРОЗ АВВАЛАМБОР ИНСОНПАРВАР ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛИБ, ҲАМЖИХАТЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ¹

Антониу ГУТЕРРИШ*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихида илк бор соғлиқни сақлаш соҳасидаги инқироз олдида турибмиз. Бу инқироз инсоният андуҳини болалатиб, умумбашарий иқтисодиётни фалажлайди ва миллионлаб инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартиради.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бутун дунёда турғунлик юзага келади ва бу турғунликнинг кўлами мисли кўрилмаган даражада кенг бўлиши тайин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг сўнгги ахборотига кўра, жорий йил охирига келиб, бутун дунёда ходимлар даромади 3,4 трлн АҚШ доллари га қисқариши мумкин.

Бу инқироз авваламбор инсонпарвар характер касб этиб, ҳамжиҳатликни талаб этади.

Инсоният аталмиш улкан оиламиз талваса ҳолатида бўлиб, бунда ижтимоий муносабатлар тўқимаси дарз кетмоқда. Одамлар касалликка йўлиқиб, азоб чекмоқда, кўрқув исқанжасида қолган.

Ҳозирда аксар мамлакатлар қабул қилаётган чоралар инқирознинг умумбашарий миқёси ва мураккаб характерини ҳисобга олмаяпти.

Ҳозирда дунёнинг етакчи иқтисодиётларидан сиёсат соҳасидаги мувофиқлаштирилган, қатъий новаторлик ҳаракатлари талаб этилади. Тан олиш керакки, камбағал давлатлар ва аҳолининг энг ночор қатламлари, айниқса, аёллар кўпроқ зарар кўради.

Шу маънода, “Қатта йигирматалик” етакчиларининг келгуси ҳафтада фавқулодда саммит чақи-

риб, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ долзарб муаммолар ечимини ишлаб чиқиш қарорини маъқуллайман ва у ерда иштирок этиш имкониятини кутиб қоламан.

Ҳозирда биз фавқулодда вазиятга тушиб қолганлигимиз барчамизга аён деб ўйлайман, бунда одатий амаллар ўтмайди. Бугунги каби ғайриоддий паллада биз кундалик воситаларимизни қўлай олмаймиз.

Инқирознинг ўзига хос табиати ижодий ёндашувни талаб этади, унинг кўламлари эса ўзидай кўламдор жавоб чораларини талаб этади.

Дунёмиз умумий душманга дуч келди. Биз вирус билан жанг қилмоқдамиз.

COVID-19 инфекцияси одамларни ўлдиради, шунингдек, реал иқтисодиётнинг савдо, таъминот занжири, иш ўринлари каби асосларини кемиради. Бутун мамлакатлар ва шаҳарлар ёпилган. Чегаралар ёпилмоқда. Компаниялар касодга учрамаслик чораларини кўришяпти, оилалар эса ҳаёт учун курашмоқда.

Шу билан бирга ушбу инқироз енгилгандан сўнг олдимизда янги уфқлар очилади.

Масалани тўғри белгилаш тикланиш жараёнини нисбатан барқарор ва кенг қамровли йўналишда олиб бориш имконини беради. Шу билан бирга келишилмаган сиёсатни амалга ошириш мавжуд тенгсизликни мустаҳкамлаши ёки уни янада кучайтириб юбориши мумкин, натижада тараққиёт ҳамда камбағаллик кўламларини қисқартириш борасида не-не машаққатлар билан қўлга киритилган ютуқлар пучга чиқади.

* Антониу Гутерриш – БМТ Бош котиби.

¹ <https://www.un.org/en/un-coronavirus-communications-team/above-all-human-crisis-calls-solidarity>.

Мен жаҳон етакчиларидан бирлашиб, ушбу глобал инқирозга қарши кураш бўйича тезкор ва мувофиқлаштирилган чораларни таклиф этишларини сўрайман.

Мен ҳаракатларнинг учта асосий йўналишини кўрмоқдаман.

Биринчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулодда вазият билан шуғулланиш лозим.

Кўпгина давлатлардаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари имкониятлари бунча миқдордаги касалликка чалинган беморларга хизмат кўрсатишга тайёр эмас, уларнинг аксарияти кексаларнинг кўплаб эҳтиёжларини қондиришга қодир эмас.

Энг ривожланган мамлакатларда ҳам соғлиқни сақлаш тизими ўз имкониятларидан ортиқ даражада ишлаётганлигини кўриб турибмиз.

Шошилинич эҳтиёжлар ва кескин ортган талабни қондириш учун тезкор равишда соғлиқни сақлаш харажатларини ошириш керак, бу эса инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилган ҳолда ва одамларга ижтимоий ёрликларни ёпиштирмасдан тестлаш қўламини кенгайтириш, муассасаларни мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва улар эҳтиёжини оқилона таъминлаш имкониятини беради.

Вирус тарқалишини бартараф этиш мумкинлиги исботланди. Демак, биз уни бартараф этишимиз керак.

Вируснинг шиддат билан тарқалишини чекламасак, айниқса, дунёнинг энг ночор ҳудудларида унинг олдини олмасак, миллионлаб одамлар қурбон бўлади.

Бундан ташқари, ҳар бир давлат соғлиқни сақлаш соҳасида ўз стратегияларини амалга оширадиган ёндашувдан дархол воз кечиб, тўла шаффофик шароитида умумжаҳон миқёсида жавоб чораларини қабул қилиши, жумладан, ушбу инқирозни енгишга тайёр бўлмаган мамлакатларга ёрдам беришни таъминлайдиган ёндашувни қўллаши керак.

Ҳукуматлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи раҳбарлигида ушбу вирусга қарши кураш билан боғлиқ ҳар томонлама ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши, унинг барча қақирқлари тўла қаноатлантирилиши лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳалокатли вазият шуни кўрсатмоқдаки, имкониятларимиз соғлиқни сақлаш тизимининг энг кучсиз тизими имкониятлари билан чекланади.

Жаҳон ҳамжиҳатлиги нафақат маънавий бурч, балки барчанинг манфаатларига жавоб беради.

Иккинчидан, ижтимоий оқибатларга ҳамда иқтисодиётни тиклашга эътибор қаратиш керак.

2008 йилдаги молиявий инқироздан фарқли ўлароқ молиявий секторга сармоя киритишнинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги инқироз банк тизими инқирози эмас, аксинча, банклар муаммо ечимининг бир қисмига айланиши лозим.

Шу маънода, унга талаб ва таклифнинг оддий бузилиши сифатида қараш керак эмас; у умуман жамият фаолиятларининг бузилишини келтириб чиқаради.

Молия тизими ликвидлигини кафолатлаш лозим, банклар миждозларига кўмак бериш мақсадида молиявий ларзаларга бардош бериш имкониятидан фойдаланиши лозим.

Аmmo шу билан бирга унутмаслик керакки, бу, моҳиятан, гуманитар инқироз.

Энг муҳими, одамларга – кам маош оладиган ходимлар, кичик ва ўрта корхоналар, жамиятнинг энг ночор қатламларига эътибор қаратиш зарур.

Гап даромад, суғурта, ижтимоий ҳимоя, банкротликнинг олдини олиш ва ишни йўқотиш ҳақида бормоқда.

Оғирлик ночор қатлам елкасига тушмаслигини таъминлайдиган фискал ва пул-кредит жавоб чораларини ишлаб чиқиш ҳақида кетмоқда.

Тикланиш энг муҳтож қатлам ҳисобига амалга оширилмаслигини таъминлашимиз керак, янги-янги камбағаллар гуруҳи пайдо бўлишининг олдини олишимиз зарур.

Ресурсларни бевосита инсонларнинг ўзига беришимиз керак. Айрим давлатлар пул жўнатмалари ҳамда умумий даромад концепциясига асосланган ижтимоий ҳимоя соҳасидаги бундай ташаббусларни амалга оширишга киришмоқда.

Норасмий иқтисодиётга буткул қарам одамларга ва жавоб чораларини қўллашда камроқ имкониятга эга мамлакатларга тушумни таъминлашимиз учун бундан-да юқориқ даражага чиқшимиз керак.

Ривожланаётган давлатлар учун, айниқса, бугунги шароитда пул ўтказмалари кўмак вазифасини ўташи мумкин. Мамлакатлар пул ўтказмалари учун комиссияни 3 фоизгача қисқартириш вазифасини ўз зиммасига олди, бу эса жорий ўртача даражадан анчайин пастдир. Инқироз биздан бундан-да юқорироқ натижани кутиб, ушбу кўрсаткични нолга яқинлаштиримизни талаб қилмоқда.

“Катта йигирматалик” раҳбарлари фоиз тўловларидан воз кечиб, ўз фуқаролари ҳамда иқтисодиётини ҳимоя қилиш чораларини кўрмоқда. Биз ҳам “умумжаҳон овул”имиздаги энг ночор мамлакатларга нисбатан айна шу мантиқни қўллаб, уларнинг қарз мажбуриятларини енгиллаштиришимиз керак.

Оғир вазиятдаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш мақсадида етарли молия ресурсларини таъминлашга ҳар томонлама содиқ бўлишимиз лозим. Бунда жаҳон банки ва бошқа халқаро молия муассасалари етакчи роллардан бирини бажаради. Ижодий инвестицион ечимни излаб топиш ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишда хусусий сектор муҳим ўрин тутади.

Биз протекционизмга мурожаат қилишдан сақланишимиз керак. Савдо тўсиқларини қайта тиклаш ҳамда маҳсулот етказиш занжирини тиклашимиз зарур.

Вазиятга кенгроқ ёндашадиган бўлсак, алоқаларнинг бузилиши жамият учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушбу инқироз аёллар аҳволига таъсир қилишининг олдини олишимиз керак. Дунёдаги аёллар пропорционал тенг бўлмаган равишда уйда ва умуман иқтисодиётда ушбу юкни ўз бўйинларига олганлар.

Болалар ҳам катта жабр кўрмоқда. Ҳозирги кунда 800 миллиондан ортиқ бола мактабга бормаяпти, шуниси эътиборлики, уларнинг кўпчилиги учун мактабдаги овқат ягона озуқа манбаидир. Барча болалар учун овқатланиш ва тенг равишда таълим олиш имкониятини яратиб беришимиз керак – бу рақамли тавофутни енгил ва алоқа воситаларига уланиш хизматлари учун тўлов миқдорини камайтириш имконини беради.

Одамларнинг кундалик ҳаёт тартиби бузилиб, яққаланиш режими жорий этилиб, кундалик турмуш тарзимиз ўзгараётган шароитда, ушбу пандемиянинг руҳий саломатлик инқирозига айланиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Бунда, айниқса, ёшлар кўпроқ хавф остида қолади.

Дунё ҳамжамияти аҳолининг энг ночор қатламлари манфаатларини кўзлаб, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мувофиқлаштириладиган гуманитар жавоб таъсир ва қочоқларга ёрдам кўрсатиш режалари орқали дастурларга кўмак беришни давом эттириши керак. Инсонпарварлик ёрдами сиёсийлаштирилмаслиги керак.

Учинчидан, ва ниҳоят, “тезкор тикланиш” учун жавобгармиз.

2008 йилги молиявий инқироз мисолида ижтимоий ҳимоя тизими мустаҳкам бўлган мамлакатлар камроқ талофат кўриб, ҳаммадан бурун унинг оқибатларини бартараф этганлигини кўриб турибмиз.

Бу инқироздан сабоқ чиқарилиши, у соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулодда вазиятга тайёрлик чоралари ҳамда XXI асрнинг фавқулодда муҳим ижтимоий хизматлари учун, шунингдек, жаҳон халқлари фаровонлигини самарали таъминлаш учун бурилиш нуқтасига айланишини таъминлашимиз керак.

Бизда режали ҳаракатлар дастури – 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш дастури ва иқлим ўзгариши бўйича Париж келишуви мавжуд. Биз халқлар ва сайёрамизга берган ваъдаларимизни бажаришимиз лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва давлатлардаги бўлимларимиздан иборат глобал тармоғимиз глобал иқтисодиёт ва биз хизмат кўрсатаётган халқлар ушбу инқироздан янада кучлироқ бўлиб чиқиб кетишлари учун барча ҳукуматларга ёрдам кўрсатади. Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш бўйича Ҳаракатлар ўн йиллиги мантиғи шундай.

Бугун ушбу инқирозни биргаликда енгиллаштирадиган ҳамжиҳатлик, умид ва сиёсий ирода ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУ СИНОВДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН ЎТИБ ОЛАМИЗ¹

Танзила НАРБАЕВА*

Бугун бутун инсониятни ташвишга солиб турган коронавирус инфекцияси ҳар биримиздан бу “кўринмас ёв”ни биргаликда жиловлаш, унга қарши ҳамжиҳатликда курашишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг илк кунлариданоқ коронавирус инфекциясининг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан тезкор чоралар кўрила бошланди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳолининг коронавирус инфекцияси тўғрисидаги хабардорлик даражаси ва унга муносабатини ўрганиш юзасидан сўров ўтказилганида, респондентларнинг қарийб ярми, яъни 48,1 фоизи COVID-19 ҳақида батафсил маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

Шунинг учун оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишлари кучайтирилди. Тарғибот тадбирлари бугунги кунда ҳам нақадар муҳимлиги ҳаммамизга аён. Чунки кўриб турганимиздек, бошқа давлатларда карантин қоидаларига амал қилинмаганлиги натижасида беморлар, вафот этганлар сони тобора ортиб бормоқда. Фуқароларимиз ичида ҳам ўзи ва яқинларининг саломатлигига масъулият билан ёндашмайдиган, санитария-гигиена қоидалари, карантин тадбирларини билмайдиган, уларга бўйсунмайдиганлари, афсуски, учраб турибди.

Ҳар бир фуқаронинг саломатлиги муҳим

Президентимиз томонидан коронавирус пандемиясига қарши курашиш ишлари давлатимизнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди ва бу ишларни тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан Ҳукуматга аниқ вазифалар топширилди. Мазкур тезюқар касалликка қарши курашиш ишларига

нафақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, балки барча мутасадди давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар сафарбар этилди.

Мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида тезкорлик билан кўрилаётган чоралар нафақат ҳамюртаримиз, балки бошқа давлат вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг махсус фармойиши билан Ҳукуматимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси тузилди ва ушбу комиссия томонидан туну кун амалга оширилаётган тезкор чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг қатъий назоратига олинди.

Бу касалликнинг республикамиз ҳудудига шиддат билан кириб келиши ва кенг тарқалишини бартараф этиш мақсадида дунёнинг барча давлатлари билан авиақатновлар, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг мамлакатимиз ҳудудига чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилди. Оммавий тадбирлар ва тўй-тантаналар ўтказилиши ҳам вақтинча тақиқланди. Дафн маросимларини 10 – 15 кишидан кўп бўлмаган фуқаролар, асосан, оила аъзолари ўртасида ўтказишга оид чекловлар ўрнатилди.

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси 15 мартда илк бор қайд этилган бўлса, 16 мартдан бошлаб барча таълим муассасаларидаги 8 миллион 300 минг фарзандларимизга таътил берилди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилди.

* Танзила Нарбаева – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси.

¹ «Халқ сўзи», 2020 йил 3 апрель.

Таълимда узилишларнинг олдини олиш мақсадида 30 мартдан бошлаб теледарслар, интернет тармоқлари орқали видео ва онлайн дарслар эфирга узатилмоқда. Давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари қабул қилиш ҳамда уларга турли хизматларни кўрсатиш ишлари ҳам онлайн режимига ўтказилди.

Кўчаларда транспорт қатнови, шунингдек, фуқароларнинг заруратсиз уйдан ташқарига чиқиши чекланди. Тиббиёт муассасалари фавқуллодда иш режимига ўтказилди, сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди.

Республикаимиз ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида карантинга олиш мақсадида махсус тиббиёт муассасалари ажратилди. Қисқа фурсат ичида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Зангиота туманлари ҳамда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида махсус шифохоналар курилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Яна бир аҳамиятга молик жиҳат, хориждаги ватандошларимиз чартер авиарейслари орқали юртимизга олиб келинди.

Коронавирус инфекцияси муаммоси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларда Президентимиз халқимизга мурожаат қилиб, “Мен учун ҳар бир фуқаронинг саломатлиги муҳим”, дея барча масъулларни ҳушёрликка чорлади. Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш борасида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиши, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари борасида етарлича захира мавжудлиги, энг асосийси, саросима ва ваҳимага тушишга асос йўқлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда шиддат билан амалга оширилаётган изчил ислохотларга қарамасдан, қатор йўналишлар, жумладан, тиббиёт соҳасида, айниқса, санитария-эпидемиология тизимида қатор муаммолар тўпланиб қолгани ҳам сир эмас.

Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида урғу бериб, ушбу тизим йиллар давомида эътибордан четда қолгани, унинг моддий-техника базаси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, кадрлар салоҳияти етарли эмаслигини таъкидлаб ўтди. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш ишлари изчиллик билан

давом этирилиши юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Инқирозга қарши 10 триллион сўм

Дунё миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалиши ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжири ва савдо алоқалари издан чиқишига сабаб бўлаётгани барчага маълум.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, халқаро молия институтлари ҳам пандемия оқибатлари мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишига эътибор қаратмоқдалар.

Бундай омилларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида 2020 йил 19 март куни Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унга 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Мазкур жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари этиб коронавирус тарқалишига қарши кураш тадбирларини молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш каби кечиктириб бўлмас вазифалар белгиланди.

Президент Фармонида 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотидан моддий наф тарзида олинадиган даромадларни солиққа тортишдан озод этиш белгиланди. Тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар учун берилган солиқ ва бошқа имтиёзлар кўлами ҳам ҳар жиҳатдан кенгдир. Табиийки, бу каби меъёрлар тегишли қонунларда акс этиши лозим, бу йўналишда амалий ишлар давом этмоқда ва ижроси таъминланади.

Бугунги кун қаҳрамонлари

Тиббиёт ходимлари мазкур пандемияга қарши курашишда фидойилик кўрсатмоқда. Эътибор бе-

ринг: ҳали уларнинг бирортаси касалликни юктириб олишдан қўриқиб, ўзини четга олмади, миллат саломатлиги йўлида туну-кун меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа масъул идоралар мутахассисларининг меҳнатини эътироф этиш зарур. Шу муносабат билан соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш давлатимизнинг диққат марказида турибди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида вирусни юктириб олган тиббиёт ходимларига давлатимиз раҳбарининг махсус қарори билан 100 миллион сўмдан компенсация тўланиши белгиланди.

Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, карантин объеклари ва коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларига лавозимига кўра ҳар 14 кунлик фаолият даври учун 5 миллиондан 25 миллион сўмгача миқдорда махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланди.

Мухтарам Президентимиз томонидан тиббиёт ходимларининг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилиши алоҳида таъкидланди.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш ҳар қачонгидан муҳим

Бу шароитда парламент аъзолари ҳам ўзларининг олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олдилар. Қисқа муддатларда пандемия тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этадиган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда Сенатнинг ялпи мажлиси илк бор видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди ва бу жараён “Электрон парламент”нинг жорий этилишида дастлабки қадам бўлди.

Бугун ушбу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари-

нинг олиб борилишида маҳаллий Кенгаш депутатлари, сенаторларимиз фаол қатнашяпти.

Коронавирус пандемиясининг тарқалиши биз учун катта синов ҳам бўлмоқда. Нафақат ушбу пандемия, умуман, агарда келгусида шунга ўхшаш фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда, макроиктисодий барқарорликка салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омилларнинг барвақт олдини олиш, бу борада қонунчилигимизни янада такомиллаштириш масалаларини ўрганишга киришдик.

Бундан ташқари, Сенатнинг кун тартибида тиббиёт соҳасидаги муаммоларни чуқур ўрганиш, айниқса, аҳолининг соғлом овқатланишини ташкил этиш, овқатдан захарланиш ҳолатларининг олдини олиш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ногиронлиги бўлган фуқароларни соғломлаштириш каби масалалар турибди. Бизнинг махсус ишчи гуруҳларимиз томонидан мавжуд муаммолар таҳлил қилинмоқда, бу борада Ҳукуматга тегишли таклифлар киритилади ва албатта, улар билан биргаликда тизим фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан зарур ишлар амалга оширилади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Янги Ўзбекистон қурилишида давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари асосида ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига, қисқача айтганда, камбағалликни камайтириб, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу масала, айниқса, бугунги вазиятда жуда катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ижтимоий нафақа олувчиларнинг сони 10 фоиз ёки 60 мингтагача кўпайтирилиши, тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларга қатор янги имтиёзлар жорий этилиши, ишсиз фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган тезкор чоралар коронавирус пандемияси билан боғлиқ бўлган инқироз ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишлар халқимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишини ташкил этиш мақсадида Олий Мажлис Сенати “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига маблағ ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Қувонарлиси, ушбу ташаббусимиз бошқа давлат идоралари, нодавлат ташкилотлари ҳамда бизнинг азиз юртдошлари-

миз, саховатпеша инсонларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, улар бу хайрли ишга қўшилиб, хайрия акциясининг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бундан ташқари, сенаторларимиз ва жойлардаги депутатларимиз аҳоли мурожаатларининг ҳар бирига эътибор билан қараб, уларнинг муаммоларини тезкорлик билан ҳал қилиш ишларини ташкил қилмоқдалар. Бунда карантин тартибларини эътиборга олиб, масофадан туриб мулоқот қилиш тизими кенг жорий этилмоқда.

Сенаторларимиз шуғулланаётган масалалардан яна бири – озиқ-овқат маҳсулотлари, дори ва гигиена воситаларига нарх-наволарнинг ошиб кетмаслигини қаттиқ назоратга олиш, бу мақсадда ҳудудлардаги ва пойтахтимиз бозорлари, савдо мажмуалари ва дориҳоналардаги ҳолатларни ўрганиб бориш ҳамда бу борада Ҳукуматга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Яқинда Сенат кўмаги ва назорати остида Тошкент шаҳрида вақтинча ишлаган, аммо карантин туфайли ўз ҳудудларига қайтишга қийналиб тур-

ган 2 минг нафарга яқин юртдошларимиз ўз уйларига етиб олди.

Бугун коронавирус пандемияси билан боғлиқ тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, барча соҳаларда режалаштирилган ишларимизга, айниқса, иқтисодий ислохотларга унинг салбий таъсирини камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш ҳар бир раҳбарнинг юксак масъулиятли бўлишини тақозо этади. Албатта, бу пандемия барчамиз учун кутилмаган ҳолат бўлди ва кўпчилик бунга тайёр ҳам эмасди.

Шунга қарамай, ҳамюртларимиз бирдамлик ва ҳамжиҳатлик намунасини кўрсатиб, Республика ишчи гуруҳи тавсияларига амал қилмоқдалар. Турли соҳалар раҳбарлари, депутат ва сенаторларнинг уюшган ҳолда фаолият кўрсатиши эса тез кунларда коронавирусни енгиб, ижобий натижаларга эришишимизга олиб келади, албатта.

Зеро, давлат ва жамоат ташкилотлари, умуман, бутун халқимиз билан бир бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, бу синовдан ёруғ юз билан ўтиб оламиз.

КОРОНАВИРУС – ЎТКИНЧИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – БАРҲАЁТ

Акмал САИДОВ*

Бугунги кунда бутун дунёга коронавирус инфекцияси жиддий хавф солиб турибди. Шунинг учун БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тимсолида жаҳон ҳамжамияти барча давлатларни COVID-19 вирусига қарши кураш шароитларида аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш ва бу борадаги инсон ҳуқуқларини таъминлашга чақирмоқда.

Хусусан, коронавирус инфекцияси аниқланган мамлакатларда инсонларнинг яшаш ва соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча эҳтиёжмандларнинг ҳеч қандай камситишларсиз тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконига эга бўлишини таъминлаш юзасидан тегишли чоралар кўрилиши сўралмоқда. Аҳолининг COVID-19 хатари олдида нисбатан заиф қатламлари, яъни кексалар, ногиронлар, аёллар, муҳожирлар, бошпанасиз кишиларга мунтазам ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигига аҳамият қаратилмоқда.

Ҳаракатланишни ялпи чеклаш чоралари жорий этилган мамлакатларда ҳукуматлар болалар ва ўсмирларни масофадан ўқитиш учун барча восита ҳамда имкониятларни ишга солишлари лозим. Бундан ташқари, давлатлар ҳеч қандай ғамхўрлик ва эътибордан четда қолдирмаслик учун аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларини асосий товарлар ва хизматлар билан таъминлаб туриши тақозо этилади.

Яқинда БМТ тарихида илк бор коронавирусга қарши кураш бўйича резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бош ассамблеяда 188 та давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам ҳаммуаллиф ҳисобланувчи ушбу резолюция бўйича овоз бериш пандемия туфайли йиғила олинмаётгани сабабли янги қоидалар бўйича ўтказилди.

БМТга аъзо давлатлар қабул қилган ва кучга кирган мазкур резолюцияда коронавируснинг жа-

миятга вайронкор таъсири, иқтисодиётга жиддий зарар етказётгани, глобал сафарлар ва савдога эътибор қаратилган. Унда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва БМТнинг пандемияга қарши глобал курашда марказий роль ўйнаши, ночор ва пандемиядан энг кўп жабр кўрган давлатларга кўмак кўрсатиш зарурлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, БМТ ҳужжатида коронавирусга қарши курашда таҳқирлаш ва ксенофобиянинг ҳар қандай туридан воз кечиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Ҳужжат, шунингдек, халқаро ҳамжамиятни коронавирусга қарши курашдаги маълумотлар, билимлар ва ютуқлар билан бўлишишга чақиради.

Бугунги воқелик шундан далolat берадики, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида тобора кўпроқ мамлакатлар инсон ҳуқуқларига бевосита таъсир қиладиган қатъий чораларни, жумладан, ҳаракатланиш ва шахсий ҳаёт эркинлигига дахл қиладиган чекловларни қўлламоқда. Бинобарин, фавқулодда ҳолат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича карантин билан боғлиқ бошқа ҳар қандай чора-тадбирлар, албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципига таяниши шарт.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бир қатор ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар COVID-19 вирусига қарши курашнинг инсон ҳуқуқларига, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга кўрсатадиган таъсирини юмшатишга қаратилган муҳим чораларни татбиқ этаётганини кутлади.

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимизда ушбу хатарни бартараф этиш учун барча зарур чоралар кўриляётганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, бунда аввало инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устунлиги талабидан келиб чиқилмоқда.

* Акмал Саидов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик.

Ўзбекистонда ўтган оз фурсат ичида пандемияга қарши курашиш доирасида нима ишлар қилишга муваффақ бўлинди? Таниқли сиёсатшунос, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов «Қудратимиз – бирликда, биз ғалаба қозонамиз» номли мақоласида санаб ўтган етакчи омилларнинг куйидаги мухтасар баёни ушбу саволга муносиб жавоб бўлишига аминимиз:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режани ўз вақтида ва жуда қисқа фурсатда қабул қилди;

иккинчидан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатда минтақалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эпидемияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди;

учинчидан, Президентимиз жамият барқарорлигини ҳимоя қилишга қаратилган тезкор чораларни амалга оширди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Президенти мунтазам равишда ахборот-тарғибот ишларини кенгайтиришга чақирмоқда;

бешинчидан, Президентимиз ижтимоий масалалар, айниқса, кишиларнинг талабларига дарҳол эътибор қаратмоқда ва юзага келган муаммоларнинг зудлик билан ечим топишига фаол қўмаклашмоқда;

олтинчидан, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши йўлида изчил иш олиб бормоқда.

Энг асосийси, Ўзбекистоннинг коронавирус пандемияси олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режасида кўзда тутилган умумий мақсад – қатъият билан касаллик тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг кучи шундаки, бутун мамлакат ушбу пандемияга қарши курашда ягона режага амал қилиши зарур. Ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлар инфекция манбасини назорат қилиш ва унинг тарқалиш йўлларини ёпишдан иборат.

Шу маънода, коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон

Президенти яна бир бор халқимизга мурожаат қилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечираётганига эътиборни қаратиб, мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўриляётганини таъкидлади.

Йиғилишда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Давлат томонидан кўриляётган чоралар одамларимизнинг касалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилгани қайд этилиб, аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилиш, шунингдек, шундай қийин вазиятда иқтисодиётимизни, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлашнинг долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 3 апрель куни «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолагани ҳам жуда муҳимдир. Бу давлатимиз раҳбарининг пандемия шароитида қабул қилинган иккинчи фармони ҳисобланади.

Фармонда иқтисодиёт ва бизнес соҳаларига етказилган асоратларни давлат маблағи ҳисобига енгиллаштиришга доир муҳим вазифалар кўзда тутилган. Унда, шунингдек, кам даромадли инсонлар ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб чоралар ўз аксини топгани ғоят аҳамиятлидир.

Маълумки, 2020 йил 27 март куни «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун матбуотда эълон қилинди. Ушбу қонун мисолида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор экани яна бир бор ўз ифодасини топди.

Мазкур қонун карантин тўғрисида аҳоли орасида асосиз ваҳима тарқалишининг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг нормал фаолият юритиши учун шароит яратиш, қолаверса, бу борада олиб

борилаётган ишларни тўлақонли амалга ошириш ҳамда ушбу соҳада жавобгарликни кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Аксарият хорижий давлатлар тажрибаси ҳам янги қонун талабларининг ҳаётга татбиқ этилиши бутун дунёда глобал муаммо бўлиб турган пандемия тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини тасдиқламоқда.

Энг асосийси, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этаётган ҳозирги шароитда одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлик нотўғри эканини кўрсатмоқда. Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилингани алоҳида эътиборга лойиқ.

Хорижий давлатлардаги касаллик қайд этилган фуқароларимиз бегона юртларда ўз ҳолига ташлаб қўйилмасдан, чартер рейслар билан олиб келинмоқда. Бу давлатимизнинг халқона меҳрибонлик сиёсатига бўлиб қолмасдан, юртимиз фуқароларининг ҳар бири Ўзбекистон фарзанди сифатида қаерда бўлишидан қатъи назар давлатимиз эътиборида, қарамоғида эканининг тасдиғидир. Ушбу беморларда тўлиқ даволаш муолажалари ўтказилиб, жиддий асоратларнинг олдини олиш имконияти борлиги давлатимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг яққол ифодасидир.

Бошқача айтганда, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқи ўз давлатининг қудрати ва руҳини, улкан масъулият ва онглиликни намоён этмоқда, бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлаш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев мутасаддиларни айтиш пайтдаги ҳолатга фавқулодда вазият деб қарашга чақирди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, коронавирусга қарши курашишда фавқулодда вазият ҳолатидаги каби ишласак, шунда қутилган натижаларга эриша оламиз.

Мамлакатимиз раҳбари раислигида 19 март куни ҳам коронавирус пандемиясининг аҳоли тур-

муш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган. Худди шу куни Ўзбекистон Президентининг «**Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида**»ги фармони имзоланди.

Давлатимиз раҳбари 26 мартда «**Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**» ҳамда «**Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**», 27 мартда эса «**Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**»ги қарорларни имзолади. Шунингдек, 23 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «**Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**»ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу йиғилишлар ва расмий ҳужжатларда белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг ижроси жойларда ва барча тармоқларда қатъий таъминланмоқда. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режими-ни бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича ўз вазифа ва ваколатлари доирасида изчил иш олиб бормоқда.

Карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда, бу муҳим ишларни асосан масофадан бажаришга тўғри келмоқда. Бунда Марказнинг расмий сайти ва ҳамкор оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаётганини қайд этиш лозим. Мисол учун, мамлакатда коронавирус инфекцияси аниқлангани расман эълон қилинган вақтдан буён ўтган даврда сайтимизда айтиш мавзуда 100 дан ортиқ ахборот, видеолар ва инфографика жойлаштирилди.

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда коронавирус инфекциясига чалинган кишиларнинг шахсий маълумотларига доир ахборотлар ҳам тарқалгани кузатилди. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази томонидан коронавирус тарқалиши шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарблиги мавзусидаги ахборотларни тарқатиш масаласига алоҳида урғу берилди. Бунда жамоатчилигимиз эътибори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг айтишига қаратилди.

Юртимизда жорий йилнинг 28-29 май кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказишга тайёргарлик кўриляётган эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йил 11 мартда COVID-19 коронавирусининг пандемия деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ушбу форумни кейинга қолдиришга қарор қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бу қарордан халқаро, хорижий ва миллий ҳамкорларимизни ўз вақтида хабардор қилди. Дунёдаги эпидемиологик вазият тез орада ҳал этилишига умид қиламиз. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида янада самарали ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Коронавирус инфекциясининг тарқалиш хавфи давом этаётганлиги сабабли Миллий марказда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш вақтинча тўхтатилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари info@nhrc.uz электрон почтаси орқали қабул қилинмоқда.

Айни вақтда Марказ биносининг ичкариси ва атрофи дезинфекция қилиниши, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари, жумладан, ниқоблар тақиб юриши, бир жойда 2-3 нафардан зиёд кишининг тўпланмаслиги, мажлислар ўтказмаслик, ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш қатъий йўлга қўйилган. Ходимларимизнинг бир қисми ҳақ тўланадиган таътилга чиқарилган бўлса, яна бир қисми масофадан, яъни уйда ишлаш тартибига ўтказилди.

Уйимиз – кўрғонимиздир. Ҳар биримиз уйимиздагина хавфсиз бўлишимиз мумкин. Статистик рақамлардан кўриб турибмиз: касалланганлар сони ортиб бормоқда. Чеклов тадбирларига, карантин қоидаларига, шифокорлар тавсияларига амал қилсагина вазият чигаллашиб кетишининг олдини оламиз.

Ҳамжихатлик, инсонпарварлик ва саховатпешалик – халқимизга хос улуғ қадрият. Барчамиз учун синовли бўлган ушбу даврда вазиятга бефарқ бўлмаган ҳолда, юртдошларимизга марказлашган тартибда маънавий ва моддий ёрдам тақдим этаётган, муҳтожларга ёрдам қўлини узатаётган, вақти ва ҳаракатларини аямаётган ташкилотлар, турли даражадаги депутатлар, саховатпеша инсонларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Айни мураккаб вазиятда ўзбек халқига хос бўлган ҳамжихатлик ва саховатпешалик фазилатлари коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида ташкил этилган «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига келиб тушаётган беминнат маблағлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали таҳририяти ходимлари ҳам ушбу фонд маблағлари кўпайишига ихтиёрий равишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси шу кунларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг барча ватандошлар, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларга Мурожаатини тўла қўллаб-қувватлайди.

Биз ҳам жамики ватандошлар, ишчи-хизматчилар, фахрийлар, аёллар ва ёшларни халқимиз томонидан яқдиллик билан сайланган муҳтарам Миллатимиз Сардори Шавкат Мирзиёевнинг давлатлари йўлида бирлашишга ва бошимизга тушган жиддий синовни тезроқ енгиб ўтиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга чақирамиз.

Янги Ўзбекистон ҳаётининг бош тамойилини ҳеч қачон унутмаймиз: **«Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди».**

Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, ушбу касалликни тезроқ енгиб ўтамиз. Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ғулом МИРЗО*

Бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган коронавируснинг нақадар тез тарқалаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Жаҳоннинг 184 та мамлакатига чангал солиб улгурган COVID-19 пандемияси аввало инсоннинг икки асосий ҳуқуқи – соғлиғи ва ҳаётига шафқатсизларча дахл қилмоқда.

«Johns Hopkins University» тарқатган маълумотларга кўра, 2020 йил 10 апрель ҳолатида, дунё миқёсида коронавирусдан зарарланганларнинг умумий сони 1 миллион 601 минг 984 нафар кишига етган. Улардан 355 минг 66 нафари касалликдан соғайган, 95 минг 731 нафари вафот этган.

Маълумки, инсоннинг офияти, яъни соғсаломат юриши унинг тиббий хизматдан фойдаланишга доир асосий конституциявий ижтимоий ҳуқуқи қанчалик таъминланганига боғлиқ. Шу маънода, ҳар ким давлатга қарашли ва нодавлат тиббий муассасаларда малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Давлат эса аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, инсонлар учун қулай экологик ва санитария-эпидемиология шароитларини яратишда ёрдам бериш каби мажбуриятларни зиммасига олади. Бунда давлатларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмаклашади.

Яшаш ҳуқуқи – инсоннинг халқаро ҳуқуқ ва аксарият демократик давлатлар Конституциялари, шу жумладан, Ўзбекистон Конституцияси билан ҳимояланган асосий шахсий ҳуқуқларидан биридир. Бу ҳуқуқ ҳар бир инсоннинг туғилиши билан вужудга келади ва бутун ҳаёти давомида ажралмас ҳуқуқи бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳамжамиятнинг асосий эътибори коронавирус туфайли инсон-

нинг ана шу узвий ҳуқуқларини таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда».**

Афсуски, коронавируснинг қутилмаган даражадаги кенг қамров ва жадал суръатларда тарқалиши манамен деган иқтисодий бакуват давлатларни ҳам анчайин шошириб қўймоқда. Бир томондан, даволаш жойлари, тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар тақчиллиги кузатилса, бошқа томондан, тиббиёт мутахассислари, шифокор ва ҳамширалар етишмаслиги панд бермоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Айрим экспертларнинг фикрича, XX асрнинг 80-йилларида ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатган неолиберал сиёсат кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли салмоғининг сезиларли даражада камайишига олиб келган. Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши глобал молиявий инкироздан кейин кучга кирган тежамкорлик сиёсати сабаб буткул сусайган.

Оқибатда баъзи Ғарб мамлакатларининг соғлиқни сақлаш тизими бугунги эпидемияга бардош бера олмади. Эндиликда жамоатчилик томонидан билдирилаётган ҳақли танқидларни инobatга олган ҳолда, кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш масаласи тез орада кун тартибига чиқиши аниқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда бутун

* Ғулом Мирзо – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

дунёда ҳамширалар тақчиллиги 5,9 миллион нафарни ташкил қилади. Бу тақчиллик Африка, Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Ўрта ер денгизи минтақаси ва Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида, айниқса, кучли сезилмоқда.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, ҳамширалар етишмаслигининг олдини олиш учун бундай муаммога тўқнаш келувчи давлатлар ушбу соҳадаги битирувчилар сонини ўртача 8 фоизга ошириши лозим. Шу билан бир қаторда, улар учун иш ўринлари ташкил этиш тақозо қилинади.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш борасидаги янги ташаббуси таҳсин ва ибратга муносиб эканини таъкидлаш ўринлидир. Биз Президентимизнинг 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини назарда тутмоқдамиз.

Қарорга мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жами 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилади. Уларда малакали мутахассислар тайёрланади. Буларнинг барчаси халқимиз саломатлигини ўйлаб амалга оширилаётган эзгу ишлардир.

Ушбу техникумларнинг моддий-техник базаси янада кучайтирилиб, ўқув-симуляция аудиториялари очилади. Ўқув режалари ва фан дастурлари илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштирилади. Жумладан, валеология, тиббий психология, диетология, кинезиология, реабилитология фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилади.

Президент қарорига кўра, тиббиёт олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда мазкур техникумларда масофавий таълим дарс машғулотларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу техникумларни муваффақиятли битирган ёшлар тиббиёт олий таълим муассасаларида имтиҳонсиз, суҳбат орқали бакалавриятнинг 2-курсидан ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Яна бир муҳим янгилик: Ўзбекистонда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасаси ташкил этилади.

Қарорнинг мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганиб, у коронавирус пандемиясининг вақтинчалик муаммолари тақозоси билан қабул қилинган ҳужжат эмас, балки Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида тизимли асосда қабул қилинган истикболли дастурий қарор эканига амин бўлдик.

Унда ушбу соҳадаги яқин ва узоқ муддатли муҳим вазифаларни ўзида қамраган, соҳада бошланган шиддатли ислохотларни янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган муҳим ташаббуслар ўз аксини топган. Бу фикримизни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, 2021 йил 1 январга қадар Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ва Туркия Бахчишехир университетининг филиаллари ва клиникаларини ташкил этиш, шунингдек, халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар ва филиалларни очиш чоралари кўрилади.

Халқаро Вестминстер ва Акфа университетларини жалб қилган ҳолда, ушбу университетлар ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун менежер мутахассисларни тайёрлаш бўйича магистрлик йўналиши очилади.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан бошлаб тиббиёт йўналишида давлат гранти асосида қабул квоталари ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бу ўринда 2020–2021 ўқув йилидан эътиборан бакалавриятнинг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» йўналишлари бўйича давлат гранти асосида қабул квоталари туман ва шаҳарлар кесимида шакллантирилиши ҳақида сўз бормоқда.

Битирувчиларнинг яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъий назар қабул квотасида

кўрсатилган туман ёки шаҳарда камида 5 йил ишлаш мажбурияти киритилади ва истисно ҳолатларнинг рўйхати белгиланади. Шифокорларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун келгуси ўқув йилида бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга қабул параметрлари 50 фоизгача оширилади.

Шунингдек, 2020 – 2021 ўқув йилидан бошлаб клиник ординатура талабаларининг битирув курсини ҳудудий тиббиёт марказларида ташкил этиш тизими йўлга қўйилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизмати хабарида қайд этилишича, ушбу чоралар амалиётга йўналтирилган тиббий таълимни ривожлантириш ва ҳудудларни тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Бакалаврият ва магистратура ўқув режасларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар 2 баробар қисқартирилади. Уларнинг ўрнига замонавий диагностика ва даволаш усуллари ўрганиш фанлари киритилади.

Жорий йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилади. Илмий даражага эга тиббий ходимлар маоши сезиларли даражада оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг янги қарорида тиббиёт соҳаси учун етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, шунингдек, 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Энг муҳими, Ўзбекистонда тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизими жорий этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ АЙРИМ ЎЛКАЛАР УЧУН ЎРНАК БЎЛИШИ МУМКИН

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ*

Аннотация. Мақолада COVID-19 пандемияси, шунингдек, инсоният тарихида рўй берган бошқа эпидемиялар атрофида таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг пандемия даврида амалга оширилган ички ва ташқи сиёсати, мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар қиёсий ўрганилган ва якуний хулосалар берилган.

Калит сўзлар: пандемия, эпидемия, COVID-19, тоун, вабо, ижтимоий масофа, Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгаши.

Аннотация. В статье представлен всесторонний анализ пандемии COVID-19, а также других эпидемий, имевших место в истории человечества. Внутренняя и внешняя политика Республики Узбекистан в период пандемии, меры, принятые для предотвращения распространения коронавирусной инфекции в стране, были сопоставлены, и представлены окончательные выводы.

Ключевые слова: пандемия, эпидемия, COVID-19, чума, социальная дистанция, Совет сотрудничества тюркоязычных государств.

Abstract. The article provides a comprehensive analysis of the COVID-19 pandemic, as well as other epidemics that have occurred in the history of mankind. The domestic and foreign policies of the Republic of Uzbekistan during the pandemic, the measures taken to prevent the spread of coronavirus infection in the country were compared and final conclusions were presented.

Key words: pandemic, epidemic, COVID-19, plague, social distance, the Cooperation Council of Turkic Speaking States.

Инсон ижтимоий мавжудотдир. Ҳеч қачон бир инсон якка ҳаёт кечириши мумкин эмас. “**Яккалик Худоба ярашади**” деган мақолдан ҳам мақсад шу бўлса керак.

Узоқ муддатли цивилизациянинг тарихий босқичлари шундан далолат берадики, инсон ҳар доим жамиятда яшаб, унинг тақомилига ғов бўладиган барча тўсиқларни ижтимоий бирликда, ақл ва ирода кучи билан енгиб ўтиб, тараққиётнинг ҳозирги юксак даражасига эришган.

Инсоният ўзининг ривожланиш йўлида қирғинбарот урушлар, қурғоқчилик ва очарчилик каби офатлар қаторида дунёнинг турли ўлкаларида улкан фожиаларга сабаб бўлган турли-туман юқумли касалликлар эпидемияларини ҳам бошдан кечирган.

Бугун коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида тарқалиб, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи карантин шароитида яшашга мажбур бўлаётгани

тарих нуктаи назаридан янги ҳодиса эмас, албатта. Ўрта асрлардан то XIX асрга қадар вабо, тоун, колира ва бошқа юқумли касалликлар эпидемиялари миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлгани, ҳатто бутун бошли шаҳар-у қишлоқлар аҳолиси қирилиб кетгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Тарих фалсафаси асосчиси, буюк муаррих Ибн Халдун ўзининг “Ал-Муқаддима” китобида миллодий XIV асрда тарқалган тоун касаллиги ҳақида куйидагича маълумот беради: “Бу саккизинчи (ҳижрий) аср ўрталарида бутун шарқ ва ғарб ўлкалари бўйича тоун юқумли касаллиги тарқалиб, миллатларни супириб, наслларни олиб кетди. Одамларни қамайтириш билан ер юзида ободончиликни сусайтирди, натижада шаҳарлар харобага айланиб, йўллар бузилди, уйлар бўш қолиб, давлатлар ва қабилалар кучсиз бўлди. Гўёки коинот-

* Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний – юридик фанлар доктори, профессор, Турон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

нинг тили оламни сукут сақлаб, инқибоз (ўзини йиғиб кичиклаштириш)га қақиргани қабул қилинди ва янги бир яралиш юз бериб, қайтадан бошқа бир янги олам вужудга келди деб ўйлайсан киши!”

Тарихчи Абулҳасан Мудоинийнинг ёзишича, ҳижрий 131 йили Басра шаҳрининг “Сиккатулмарид” кўчасида ҳар куни мингга яқин жаноза ўқилган. Ибн Тағриберди (“Тангри берди”) “Ан-Нужуззоҳира” (“Порлоқ юлдузлар”) китобида ривоят қилишича, ҳижрий 131 (милодий 756) йилга қадар 15 марта тоун касаллиги тарқалган экан.

Ибнул-Жавзийнинг “Миротуз-замон” (“Замон кўзгуси”) китобида ёзилишича, “Ҳижрий 469 йилда (милодий 1091 йил) Дамашқ шаҳрида 500 000 (беш юз минг) киши яшарди, ўша йил тоунида улардан 3000 (уч минг) киши тирик қолди, шаҳардаги 240 нонвойдан фақат иккитасигина тирик қолган эди”.

“Саҳиҳ Муслим” китоби шарҳида Нувавий ривоятига кўра, “Ҳижрий VII асрда Басрада (Ироқда) юкумли касаллик тарқалган чоғда ҳар куни 70 минг одам ўлар экан”.

Француз Жон Ноел Барбон ўзининг “Тоун” (“La peste”) китобида, “Ҳижрий 749 йилнинг тоунида Мисрнинг 2200 қишлоғидан 40таси нобуд бўлган ва ҳижрий 795 йил Ҳалаб шаҳри одамлардан бўшаган эди,” – деб ёзган.

Шунингдек, XIV асрнинг иккинчи ярмида Европа ўлкаларида вабо касаллиги кенг кўламда тарқалган, касалланганларнинг 60 фоизи тирик қолмаган, касаллик бир шаҳарда 6 ойдан 9 ойгача давом этган. Натижада, Европа жамиятининг тўртдан бир қисми нобуд бўлган.

Арабистонда вабо касаллиги тарқалиши сабабли 1814 йилда ҳаж маросими тўхтатилган, “Анадолу” хабарига кўра 1837 йилда ҳар куни 1000 ҳожи ҳалок бўлган, вақти-вақти билан вабо сабабли ҳаж маросими тўхтатилган.

Ўша даврларда дунё ҳамжамиятининг мазкур юкумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши сабабларини мукамал билиб олишга қурби етмаган бўлса ҳам, одамлар имкони борича ўз тажрибаларидан фойдаланиб, табиблар тавсиясига кўра ўзини муҳофаза қилишнинг айрим йўллари амалда қўллаб келганлар. Улардан бири касаллик тарқалган жойларга бормаслик ва ўша жойлардан бошқа жойларга чиқмаслик эди. Машҳур олим Тожддин ас-Субкий, Билқосим Табоийнинг тиббий рисоласига асосланиб, эпидемия замонида одамларни бир-бирдан узоқлаштириш (яъни ижтимоий масофани сақлаш) зарурлигини таъкидлаган.

Қуръони каримда, “Ўзингизни ўз қўлингиз билан ҳалокатга ташламанг” дейилган (Бақара сураси, 195-оят).

Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида вабо эпидемияси тарқалган жойга бормаслик ва ўша ердан бошқа жойга чиқмаслик тавсия қилинган.

Эпидемия тарқалишининг олдини олиш ва унинг таъсирини камайтириб, ундан фориғ бўлишда азалдан давлат ҳамда давлат раҳбарларининг ўрни ниҳоятда муҳим бўлган. Масалан, касаллик манбаини назоратга олиш, фуқароларни хавфсиз жойларга кўчириш, карантин ўрнатиш, мухтожларни озиқ-овқат ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар билан таъминлаш қабила шундай тадбирлар жумласига киради.

Амир Темур Эрондан қайтар экан, кўшин орасида юкумли касаллик тарқалади. Шунда Соҳибқирон табиблар тавсиясига кўра вақтинча узун хоналар қурдириб, неча минг аскарни ўша хоналардан ўтиб, сомон тутунидан нафас олишга буюради ва шу орқали касаллик тарқалишининг олди олинади. Франциялик адиб Марсел Брион 80дан ортиқ шарқ ва ғарб манбаларига асосланиб ёзган “Менман жаҳонгир Темур” номли китобида бу ҳақда муфассал маълумот бериб ўтган.

Жаҳонда “Иккинчи муаллим” номи билан танилган туркий файласуф Абу Наср Форобий ўзининг машҳур асари “Ороу аҳлилил-мадина-тил-фозила” (“Маданиятли мамлакат аҳолисининг қарашлари”) номли асарида, давлат раҳбари ҳақида Афлотун назариясини такомиллаштириб, “Жамиятнинг раҳбари ҳақимлардан, яъни файласуфлардан бўлиб, бошқариш ва раҳбарлик қилиш иқтидорига эга бўлиши керак,” деб таъкидлаган ва унинг хусусиятларини қуйидагича изоҳлаб берган.

“Бундай жамият (давлат) раҳбари бўлган киши соғлом тан ва соғлом руҳ билан бирга, ақлу фаросатли, кучли ифода қилиш ва тушунтириш истъедодига эга бўлади. У илмга чанқок, ҳаво ва ҳавасдан узок, жасоратли ва ҳақ ҳомийси бўлиши керак. Бу каби раҳбар томонидан бошқариладиган жамиятда тартиб – қонун устувор бўлиб, кишилар орасида аҳиллик оша боради, барча халқ манфаати таъминланиши билан, зарарли ишлар улар ҳаётидан йўқолади”.

Энди XXI асрнинг долзарб муаммоси даражасига кўтарилиб, бутун башарият ҳаётини хавф остига қўйган ва жаҳон аҳлининг ярмидан кўпини карантинда яшашга мажбур қилган коронавирус пандемиясига келсак, айтиш керакки, бу балонинг тарқалиши ва олдини олишда давлатлар ва давлат

раҳбарлари белгиловчи роль ўйнаб келмоқдалар.

Коронавирус инфекцияси илк бор Хитойнинг нуфузли Ухань шаҳрида аниқланди. Унинг одамлар ҳаётини хавф остида қолдиргани ва қисқа муддатда кўпчиликни ўз қомига тортиб улгургани хабари жаҳонда “кучли бомба портлашидек” аксадо берди. Аини чоғда, таассуфки, Хитой раҳбарияти томонидан бу эпидемия бутун башарият учун ниҳоятда даҳшатли таҳдид бўлиши мумкинлиги ҳақида тарқатилган баённомалар айрим давлатларда жиддий эътиборга олинмади. Натижада, вируснинг тарқалиши эпидемиядан пандемия даражасига кўтарилди. 2019 йилнинг декабрь ойидан то ҳозирга қадар бу қотил касаллик дунёнинг 200дан ортиқ мамлакатига тарқалиб улгурди. Американинг Жон Ҳопкинс (Johns Hopkins) университети маълумотларига кўра, жорий йилнинг 14 апрель ҳолати бўйича жаҳон миқёсида касалликка чалинганлар икки миллионга яқинлашиб, қурбонлар сони 125 мингдан ошди. АҚШда 603 минг, Испанияда 172 минг, Италияда 162 минг, Францияда 143 минг, Германияда 131 мингдан ортиқ инсонда коронавирус инфекцияси аниқланди. АҚШда қурбонлар сони 25 мингдан ошиб кетди.

Эпидемия хавфини тўғри баҳолаган Хитой раҳбарияти ва давлати оз муддатда кўп қурбонлик берган бўлса ҳам, халқ ҳамкорлиги, темир интизом ва қатъий карантин режимини амалга ошириш билан, неча миллионли Ухань шаҳрида бу касалликни енгишга муваффақ бўлиб, бошқа вилоятларга тарқалишининг олдини олди.

Ҳозир ривожланган мамлакатларда ҳам аввалдан ҳодисага эътиборсизлик билан қаралгани сабабли вируснинг тарқалиши кун сайин ошиб бормоқда. Лекин Жанубий Корея каби ҳодисага жиддий ёндашиб, кучли карантинни йўлга қўйган айрим мамлакатларда эпидемия тарқалиши заифлашган.

Ўзбекистон давлати бу вирус мамлакатга кириб келмасдан туриб барча ҳимоя чораларини белгилаб қўйган эди. Франциядан бир фуқаро бу вирусни юктириб келгандан кейин, Президент Шавкат Мирзиёев шахсан ўзи миллатга мурожаат қилиб, бу юқумли касаллик нечоғли хавfli эканлиги ҳақида маълумот берди ва Ўзбекистоннинг барча аҳолисини давлат билан биргаликда хавфсизлик чораларини амалга оширишга чақирди. Ўзбек халқи давлат билан биргаликда бу хатарли пандемияни бирлик, ақл ва ирода кучи билан, қатъий интизом ёрдамида енгиб ўтиш имконига эғалигини таъкидлади.

Президент фармони билан Каронавирусга

қарши давлат режаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Бош вазири А.Арипов раҳбарлигида салоҳиятли комиссия ташкил этилиб, қабул қилинган режалар бирин-кетин амалга оширила бошланди. Президент шахсан ўзи йиғилишлар ўтказиб, бу соҳада юз берган ҳодисалардан аҳолини хабардор қилди.

Президент фармонлари билан амалга оширилган эҳтиёт чоралари ва тадбирларидан айримлари қуйидагилардан иборат:

- 16 мартдан бутун мамлакат бўйича карантин эълон қилиниб, барча боғчалар, мактаб, мадраса ва олий ўқув юртлиари ёпилиб, минглаб талабалар махсус транспорт тизими орқали арзон билетлар билан ўз вилоятларига жўнатилди.

- Юк ташувчи ва турли оммавий хизматлар машиналаридан ташқари шаҳарлар ва вилоятлараро турли транспорт воситалари қатнови, шунингдек ҳаво йўллари тўхтатилди, шахсий автомобиллар учун рухсатномасиз шаҳарда юриш тақиқланди.

- Кенг кўламда тайёргарлик қўрилган Наврўз байрамини нишонлаш маросими ва тўй-томошалар тўхтатилиб, тўйхоналар вақтинча ёпилди.

- Озиқ-овқат бозорлари ва дўконлари, дорихоналар ва банклар филиалларидан ташқари барча дўконлар боғланди.

- Ўзбекистон диний идораси раҳбари ва уламолари томонидан ислом қоидаларига асосланиб эълон қилинган фатвога кўра заруратга биноан вақтинча масжидлар эшиги ёпилиб, одамлар намозларни уйда адо этишлари тавсия қилинди.

- Тиббий ниқоб тақмаган кишилар ва ёши 60дан ошган кексалар кўчага чиқиши ман этилиб, дўконларга кирган одамлар ўзаро камида бир метр масофа (ижтимоий масофа)ни сақлашлари тавсия этилди.

- Президент фармонига кўра жуда кўп сонли кам таъминланган оилаларга нафақа тайинланди ва карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена маҳсулотлари бепул етказиб берилмоқда.

- Ўқувчилар, талабалар ва магистрантлар учун интернет орқали онлайн дарс ўтиш тизими жорий қилинди.

- Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва барча оммавий ахборот воситалари аҳолига коронавирус тарқалиши олдини олиш ва ун-

дан келиб чиқадиган хатарларни тушунтиришга сафарбар этилди.

- Касалликнинг олдини олиш учун янги шифохоналар тайёрланиб, барча шифохоналар ва тиббий марказлар керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ҳамда барча доктор ва ҳамшираларга вирусга қарши махсус либослар берилди.

- Президент фармони асосида вирусга чалинганларни даволаш билан шуғулланувчи докторларнинг ҳар бирига 25 миллион сўм ва ҳамшираларга 15 миллион сўм пул берилмоқда.

- Барча чегаралар ёпилиб, қаттиқ назорат остида турибди.

- Чет эл, жумладан Россия, Туркия, Хитой ва Жанубий Кореядан 16 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари чартер парвозлар орқали ватанга олиб келиниб, икки ҳафта қарантинда сақландилар.

- Энг муҳим қарор шуки, карантин ва чекловларни назорат қилиш қонун даражасига кўтарилди. Бу эса мазкур тадбирларни амалга оширишга кафолат бермоқда, тартиб-қоидаларни бузганлар маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

- Миллий гвардия аъзолари ва милиция ходимлари шаҳарларда тартибни сақлаш бўйича сафарбар қилинди, махсус машиналар кўчаларда юриб лодспеклар орқали маълумот ва керакли тавсиялар тарқатиб туради.

- Муҳими шуки, давлат раҳбари телевидение орқали халқ билан зарурий чоралар бўйича мулоқотда бўлиб турибди ва махсус комиссия аъзолари бозорларда юриб нарху навони назорат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев कोरोनाвирусга бағишланган видеомулоқот тарзида ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қилган маърузасида коронавирус жаҳоннинг барча мамлакатлари қатори 160 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган туркий тилли давлатларни ҳам четлаб ўтмаганини таъкидлади.

У туркий халқлар кўп асрлик тарихида бу каби мураккаб дамларни бошидан кечириб, уларни ҳамжихатлик билан енгиб ўтганини айтиб ўтди.

Президент ҳамкорликда бу таҳликали вазиятдан чиқиш учун учта асосий йўналишни изохлаб ўтди. Ўзбекистонда вирусга қарши амалга оширилаётган кўп қиррали тадбирлар тўғрисида маълумот бериб, жумладан шундай деди:

“Тошкент вилоятида барча шарт-шароитларга эга бўлган махсус карантин ҳудуди ишга туширилди. 20 минг ўринли бу комплекснинг 10 минг кишига мўлжалланган биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 10 минг ўринли замонавий модуль касалхона шу ойнинг охирига қадар куриб битказилади. Улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу касалликнинг олдини олиш мақсадида ушбу тажриба бошқа ҳудудларда ҳам кенг татбиқ этилмоқда”.

Шунингдек, Президент зудлик билан бу хатарнинг олдини олиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлаб, саммит аъзоларига учта муҳим тадбирни йўлга қўйишни таклиф қилди. Улардан бири Туркий кенгаш доирасида доимий фаолият кўрсатадиган қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантиришдир.

Ўзбекистон давлати томонидан мамлакат аҳолисини пандемиядан ҳимоя қилиш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш учун амалга оширилаётган ҳимоя системаси айрим Европа давлатларидаги системалардан устун туради. Италия, Франция, Испания ва Америка Қўшма Штатларида эътиборсизлик билан коронавирусга қарши бошланган ҳимоя системаси, давлат раҳбарлари эътирофига кўра, қутилган натижани бермади ва пандемия қутилмаган фожиаларга сабаб бўлди. Италия Бош вазири 9 апрель куни “ал Жазира нет” (Aljazeera.net) мухбирига айтишича, “Италияда соғлиқни сақлаш тизими коронавирус каби пандемиянинг олдини олишга тайёр эмасди ва унинг ҳукумати, вируснинг бундай портловчи шаклда тарқалишини кутмаган эди”.

7 апрель куни Канададан Стокхольмга учиб келган бир дўстим, у билан телефонда суҳбатлашганимда, аэропорт ва пойтахтда карантин йўқлигидан ажабланганини айтди. У, “Бу ўлкада хануз ҳам боғчалар ишлайди ва 16 ёшгача бўлган ўқувчилар мактаблари ёпилмаган,” деди.

Мақола охирида хулоса қилиб айтишим мумкинки, Ўзбекистон давлат раҳбари томонидан халқни хавфли коронавирус пандемиясидан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган тартиб шу қадар олий ва интизом шу даражада кучлики, мамлакат фуқароларини бу оғир синовдан муваффақият билан ўтишга ишонтиради.

Ушбу жиддий ҳимоявий тадбирлар минтақамиз айрим ўлкалари ва қўшни давлатларга ўрناк бўла олади ва айрим ғарбий давлатларда йўлга қўйилган карантин режимидан устун туради.

ПАНДЕМИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ: ХАВФЛАР, ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Сурайё УСМОНОВА*

Аннотация. Пандемия даврида салбий таъсирга учраётган туризм соҳасининг бугуни ва истиқболлари юзасидан халқаро изланишлар давом этмоқда. Тадқиқотчи мазкур масаланинг таҳлилига Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси нуқтаи назари асосида ёндашади. Мақолада мазкур муаммонинг ўзаро боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ечимлари борасида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: COVID-19, пандемия, туризм, Ўзбекистон.

Аннотация. В настоящее время проводятся международные исследования текущего состояния и перспектив туристической индустрии, которая в наибольшей степени подвержена пандемии. Исследователь подходит к анализу этих вопросов с точки зрения опыта Узбекистана и зарубежных стран. Следовательно в статье вырабатываются рекомендации по взаимосвязанным социальным, экономическим и правовым решениям этой проблемы.

Ключевые слова: COVID-19, пандемия, туризм, Узбекистан.

Annotation. International studies are being conducted of the current status and prospects of the tourism industry, which is most exposed to a pandemic. The researcher approaches the analysis of these issues from the point of view of the experience of Uzbekistan and foreign countries. Hence, the article develops recommendations on interconnected social, economic and legal solutions to this problem.

Keywords: COVID-19, pandemic, tourism, Uzbekistan.

Пандемия глобал муаммоси бутун инсониятни бирлаштириш билан бир қаторда кўпгина давлатлар иқтисодий инкирозига сабаб бўлмоқда. Туризм бу борада энг кўп зарар кўрувчи тармоқлардан бирига айланди. Дунё бўйлаб саёҳатларга чекловларнинг мисли кўрилмаган даражада жорий этилганини ҳисобга олган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг туризм бўйича ихтисослашган ташкилоти сайёҳларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракати 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 20%дан 30%гача камайишини башорат қилмоқда¹. Бу эса ўз-ўзидан Ўзбекистонга визасиз тартиб асосида ташриф буюриши мумкин бўлган 80дан ортиқ давлатлардан келиши кутилган сайёҳлар оқимини камайтиради.

Йил бошида 2020 йилда юртимизга келувчи сайёҳлар сонини 7,5 миллионга етказишни режалаштирган² Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига COVID-19нинг таъсири сезиларли даражада бўлиши кутилмоқда. Жорий йил бошида иқтисодиётнинг стратегик сектори ҳисобланадиган туризм соҳасини Ўзбекистоннинг барча турдош тармоқларида сифатли таркибий ўзгаришларни таъминлайдиган миқёсда ривожлантиришнинг иккинчи босқичига ўтиш мақсад қилиб қўйилган эди. Статистик маълумотлар 2020 йилнинг феврал ойида 2019 йилнинг мазкур ойи билан таққослаганда юртимизга келган сайёҳлар сони 393 минг 493 нафардан 440 минг 198 нафарга, бошқача айтганда 11,9 фоизга ошганини кўрсатади³. Ко-

* Сурайё Усмонова – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ International tourist arrivals could fall by 20-30 % in 2020. Available at: <https://www.unwto.org/news/international-tourism-arrivals-could-fall-in-2020>.

² Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси якунланди // <https://uza.uz/uz/politics>.

ронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиши ҳамда Ўзбекистондаги карантин ҳолати мазкур мақсад ва режаларнинг амалга ошишига салбий таъсир кўрсатиши тобора ойдинлашиб бормоқда.

Пандемиянинг туризмга салбий таъсири дунёнинг барча давлатларида сезилмоқда. Масалан, Италия туризм сектори “энг янги тарихдаги энг ёмон инқироз”ни бошдан кечирмоқда. Ҳатто пандемия бутунлай бартараф қилинса ҳам, жорий йилда мамлакатдаги вазият аввалги ҳолатга қайтишига деярли умид йўқ. Италия Маданият ва Туризм вазир Дарио Франчешини шу ҳақида баёнот берди. У интервьюсида аввалги ҳолатга қайтиш учун 1 ёки 2 йил керак бўлишини таъкидлаган³. Италия туризм уюшмаси ҳисоб-китобларига кўра, Италия март ойдан май ойигача мамлакатга келувчи 30 миллион сайёҳни йўқотган. Мамлакатдаги туристик мавсум, одатда, Европа пасха таътилларида бошланиши инobatга олинса, бу йилги мавсум аниқ қўлдан бой берилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Экспертларнинг таъкидлашича, айнан баҳор-ёз даврида Италияда сайёҳликдан тушадиган даромад чўққисига етар эди. Бироқ ҳозир аксарият меҳмонхоналарда кузги саёҳатлар учун ҳам олдиндан буюртма қилинган хоналарнинг бекор қилиниши кузатилмоқда, яъни сайёҳлар ҳам ижобий бурилишга у қадар умид қилишмаяпти. Бу вазиятда Италия туризм соҳасида илгариги мақомини тиклаши учун бир неча йил керак бўлиши мумкин.

Туризм соҳасидаги инқирознинг олдини олиш мақсадида ҳукуматлар томонидан маълум чоралар режаси ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Хитой пойтахти Пекин шаҳрида 12 апрелдан эътиборан меҳмонхоналарга жойлашувчи меҳмонлардан коронавирус йўқлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома талаб қилиш қонуний асосда йўлга қўйилди. Тиббий текширув сайёҳ ташрифидан бир ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилган бўлиши керак. Маълумотномалар сохталаштирувини четлаб ўтиш мақсадида полицияга назорат чораларини кучайтириш топширилган. Хитой пойтахти коронавируснинг иккинчи тўлкинига қарши шундай чора кўрган биринчи шаҳар бўлди, лекин Пекин ортидан бошқа мегаполислар ҳам шунга ўхшаш хавфсизлик чораларини кўриши кутилмоқда.

Апрель ойи бошларидан жаҳон туризм ҳам-жамиятида “иммун паспортлари” – қонда коронавирусга қарши антижисмлар борлигини тасдиқловчи сертификатларнинг жорий қилиниши ғояси фаол муҳокама қилинмоқда. Дастлаб Германиянинг Хелмхольтз маркази (Helmholtz Centre) тадқиқотчилари шундай ғояни илгари суришди. Иммуни идентификацияси ташаббуси Немис банки (Deutsche Bank) томонидан дунё бўйлаб ҳаракатланиш учун тақиқнинг тезда бекор қилиниш усули сифатида қўллаб-қувватланди. Шунингдек, Буюк Британия ва АҚШда ҳам шундай имконият муҳокама қилинмоқда⁵.

Ўзбекистон Республикасида ҳам пандемиянинг иқтисодийтимизга салбий таъсирини юмшатиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари учун қатор ҳуқуқий ва ташкилий енгилликлар яратилмоқда. Жумладан, 2020 йил 19 мартда қабул қилинган «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 3 апрелда имзоланган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан туризм соҳаси субъектларига пандемия даврида қатор имтиёзлар тақдим этилди. Туроператорлар, турагентлар ва сайёҳларни жойлаштириш воситалари жорий йил якунига қадар ер солиғи ва мол-мулк солиғидан озод этилди, ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада (1%) тўлаши белгиланди; жойлаштириш воситалари, ресторанлар ва бошқа мол-мулк мавжуд субъектлар учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилади, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди; туризм соҳасига боғлиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар (оилавий меҳмон уйлари, гид-экскурсоводлар, хунармандлар) учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 30 фоизга камайтирилди, шунингдек, карантин даврида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тад-

³ Қаранг: <https://uzbektourism.uz/cyrl/research>.

⁴ Italy to remain closed for tourism until end of year. Available at: <https://www.google.co.uk/amp/s/nation.com.pk/26-Apr-2020/italy-to-remain-closed-for-tourism-until-end-of-year%3Fversion=amp>.

⁵ Қаранг: <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1119>.

биркорлик субъектлари учун даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқ учун тўловлар ҳисобланиши тўхтатилди.

Бундан ташқари, экспорт-импорт амалиётлари бўйича қатор энгилликлар берилди. Ташқи савдо амалиётлари (хорижий ҳамкорларга сотилган туристик хизматларга доир) бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилди. Солиқ аудитлари бекор қилинди.

Шунингдек, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бугунги кунда “онлайн туризм”ни ривожлантириш, тадбиркорлар ва бошловчи тадбиркорлар (стартаперлар)ни қўллаб-қувватлашга оид ишларни амалга оширмоқда.

Давлат раҳбари иродаси билан, ҳукумат қўллаб қувватлаши остида амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектларини бугунги мураккаб иқтисодий шароитда солиқ ва кредит тўловларидан озод этиш орқали уларнинг молиявий ҳолати янада оғирлашиб кетишининг олдини олади. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ва у орқали иш ўринлари ва аҳоли бандлигини сақлаб қолишга кўмак беради. Асосий мақсад ҳам шу – иш ўринларини сақлаб қолиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш эканлигини таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов⁶.

Ҳолатни яхшилаш юзасидан халқаро ҳамкорлик ва айниқса чегарадош минтақа давлатлари билан ҳамжиҳат ҳаракат муҳимдир. Зеро, ҳеч бир минтақа давлати қўшни мамлакатларда вирус тарқалиши давом этар экан, фақат ўз ҳудудларида коронавирусни бостириш орқали ўз хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлай олмайди⁷.

БМТнинг туризм бўйича ихтисослашган ташкилоти ҳам саёҳатларга чекловлар жорий этилар экан, халқаро мулоқот ва ҳамкорлик муҳимлигини эътироф этди. Бунда БМТнинг пандемияни жилловлаб туриш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) билан яқиндан ҳамкорлик қи-

лиши, пандемиядан азият чеккан давлатлар билан бирдамликда ҳаракат қилиши ҳамда туризмнинг барқарорлигини таъминлашга, соҳани оёққа турғизишни қўллаб-қувватлашга тайёр бўлиши лозимлигини таъкидлади⁸.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан коронавирус пандемиясининг авж олишини бартараф этишда ҳуқуқий нормалар (адолат қоидалари), тадқиқотлар ҳамда амалий ёндашувнинг самараси юқорилиги илмий жиҳатдан эътироф этилмоқда⁹.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пандемия даврида ва ундан сўнг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасининг ривожланишини барқарорлаштиришда қўйидаги тавсияларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– пандемиянинг жаҳон миқёсида тўлиқ бартараф этилиши юзасидан ягона илмий ҳулосанинг мавжуд эмаслиги боис хорижий сайёҳлар оқимининг салмоғи юзасидан ўсиш суръатларига эмас, балки мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга эътибор қаратиш;

– соҳа тадбиркорлари, бошловчи тадбиркорлар ва ёш мутахассисларга янада кўпроқ ташкилий ҳамда ҳуқуқий имтиёзлар ва энгилликлар бериш;

– ҳукумат томонидан аэропортлар, чегара постлари ва сайёҳлар ташриф буюрувчи ҳудудларда, COVID-19 тарқалишининг олдини олиш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик чора-тадбирлари режасини ёки мазкур масалада “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонни пандемия нисбатан кам тарқалган ҳудуд сифатида тарғиб қилган ҳолда, бу йилги Европа ва Америкага саёҳатларини бекор қилган сайёҳларни (айниқса, Марказий Осиё ва МДХ давлатларидан) юртимиздаги кузги сайёҳлик мавсумига жалб этиш;

– Муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқишда халқаро, минтақавий ва икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликни янада ривожлантириш лозим.

⁶ А. Абдуҳақимов. Карантин қўл қовуштириб ўтириш учун сабаб эмас - Ўзбекистонда “онлайн туризм” ва “масофавий спорт” ривожлантирилади // <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1114>.

⁷ А.Умаров. COVID-19: уроки для Центральной Азии и влияние на внешнюю политику. Доступен: <https://cabar.asia/ru/covid-2019-uroki-dlya-tsentralnoj-azii-i-vliyanie-na-vneshnyuyu-politiku>.

⁸ COVID-19: putting people first. <https://unwto.org/tourism-covid-19>.

⁹ T.Jamal.,Ch.Budke Tourism in a world with pandemics:local-global responsibility and action. Journal of tourism futures. – 2019. P. 4 Available at: <https://www.emerald.com/insight/content/doi/10.1108/JTF-02-2020-0014/full/pdf?title=tourism-in-a-world-with-pandemics-local-global-responsibility-and-action>.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА СУД ФАОЛИЯТИГА ОИД ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР

Одилжон СУЛАЙМАНОВ*

Аннотация. Мақолада коронавирус пандемияси даврида ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид халқаро ва миллий стандартлар ўрганилган. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон судларида ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: коронавирус пандемияси, халқаро ва миллий стандартлар, инсон ҳуқуқлари, мустақил ва холис суд, пандемия даврида судларда ишни кўриш.

Аннотация. В статье исследуются международные и национальные стандарты, касающиеся права независимого и беспристрастного суда во время пандемии коронавируса. Были изучены не некоторые вопросы рассмотрения дел во время пандемии коронавируса в судах Узбекистана.

Ключевые слова: Пандемия коронавируса, международные и национальные стандарты, права человека, независимый и беспристрастный суд, рассмотрение дел в судах во время пандемии.

Abstract. The article examines international and national standards regarding the law of an independent and impartial judiciary during a coronavirus pandemic. Some cases were considered during the coronavirus pandemic in the courts of Uzbekistan.

Key words: coronavirus pandemic, international and national standards, human rights, an independent and impartial judiciary, litigation during a pandemic.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгартиришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”-ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандига кўра: “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томони-

дан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”¹. Ушбу пактга давлатлар томонидан риоя қилиниши мониторинги учун масъул бўлган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан таъкидланишича, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи “ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмайдиган мутлақ ҳуқуқ”² ҳисобланади. Ҳатто уруш даври ёки фавқулодда вазиятларда ҳам фақатгина суд бирон бир шахсни жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкин.

Шундай экан, бу ҳуқуқ барча ҳолатларда ва барча судларга нисбатан қўлланилади. Демак, коронавирус пандемияси даврида ҳам ишлар мустақил ва холис суд томонидан кўрилиши, инсон ҳуқуқлари тўлақонли таъминланиши шарт.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг 1984 йилда қабул қилинган 13-сонли умумий тартибдаги му-

* **Одилжон Сулайманов** – Судьялар олий мактаби бош мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”-ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 41 б.

² González del Río v Peru, HRC Communication 263/1987, UN Doc CCPR/C/46/D/263/1987.

лоҳазаларида қайд этилганидек: “14-модда қоидалари барча, оддий ва махсус судларга, ушбу модда билан қамраб олинган трибуналларга нисбатан қўлланилади. Қўмита қўлаб мамлакатларда оддий шахсларнинг ишларини кўриб чиқувчи ҳарбий ва махсус судларнинг мавжудлигини қайд этади. Бу эса судловнинг адолатли, холис ва мустақил амалга оширилишида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай судлар ташкил қилинишининг кўп учрайдиган сабабларидан бири шундан иборатки, одатдаги адолатли судлов меъёрларига тўғри келмайдиган фавқулодда тартибларни қўллаш имкониятини беради. Пакт судларнинг бундай тоифаларини тақиқламаса-да, шунга қарамай, уларда кўзда тутилган шароитлар аниқ шунга ишора қиладики, фуқаролик ишларининг бундай судлар томонидан кўриб чиқилиши фавқулодда асосларда амалга оширилиши мумкин ва 14-моддада кўзда тутилган шароитларда қўлланилиши керак. Агарда аъзо давлатлар мамлакатдаги фавқулодда ҳолатда, 4-моддада кўзда тутилганидек, одатдаги тартибдан чекинишга, 14-моддада кўзда тутилган тартибга риоя қилишга қарор қилган бўлса, улар ушбу чекинишлар амалдаги ҳолат кескинлиги туфайли зарурий доирадан ташқарига чиқмаслиги ҳамда 14-модданинг 1-банди шартларини қондириши зарур”³.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 4-моддаси 1-бандига мувофиқ, “Давлат фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга ҳилоф бўлмаслиги ва ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатдан инсонларни камситишга олиб келмаслиги керак”⁴.

Демак, Пактнинг 4-моддасига мувофиқ, давлат фавқулодда ҳолат юз берган даврда мазкур Пакт бўйича олган мажбуриятларидан чекиниши мумкин, лекин бу халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларга ҳилоф бўлмаслиги ва инсон

ҳуқуқларини камситишга олиб келмаслиги лозим. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминланиши шарт.

Яна бир халқаро ҳужжат “Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси лойиҳаси”⁵ (Сингви декларацияси) 5-моддасида куйидагилар белгиланган: “Бирон бир суд органи тегишли тарзда судлар таъминлаган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида *ad hoc* ташкил қилинмаслиги керак. Ҳар ким ишининг тегишли тарзда тезкорлик билан ва оддий судлар ва ёки суд трибуналлари томонидан асосланмаган кечиктиришларсиз, қонунда кўзда тутилган тартибда, судда қайта кўриб чиқиш имконияти кўзда тутилган ҳолда кўриб чиқилишига ҳақли. Миллат ҳаётига хавф юзага келган фавқулодда ҳолатларда, бироқ шунда ҳам қонун билан белгиланган тартиблар бўйича ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган минимал андозаларга сўзсиз итоат этиш шarti ва судда қайта кўриш имконияти билан баъзида маълум чекинишларга йўл қўйилади. Мана шундай фавқулодда вазиятларда давлат бирор бир жинсий ҳуқуқбузарликда айбланаётган фуқароларнинг иши одатдаги фуқаролик судларида кўриб чиқилиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилади, шахсларнинг маъмурий тартибда айб қўймасдан ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил органлар томонидан «хабеас корпус» чоралари ёки унга монанд чоралар ёрдамида қайта кўриб чиқилиши талаб этилади, бундан мақсад, қамокқа олишнинг қонунийлигини таъминлаш ва ҳар қандай шафқатсизларча муносабат бўйича аризаларнинг текширилишини таъминлашдир”⁶.

Мазкур халқаро ҳужжатга мувофиқ, фавқулодда ҳолатда (масалан, коронавирус пандемияси даврида) қайсидир суд органи судлар таъминлаган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида бир марталик ташкил қилинмаслиги, ишлар судлар томонидан асосланмаган кечиктиришларсиз, қонунда кўзда тутилган тартибда, судда қайта кўриб чиқиш имконияти кўзда тутилган ҳолда кўриб чиқилиш ҳуқуқи таъминланиши лозим. Шу билан бирга, фавқулодда ҳолатларда минимал халқаро стандартлар таъминланган ҳолда, кейинчалик қайта

³ HRC, General Comment No.13, Administration of Justice (article 14) 13 april 1984 UN Doc. HR1/GEN/1/Rev.9 (Vol I) (2008), 184 Basic Principles on the Independence of the judiciary, UN Doc. A/CONF121/22/Rev.1,59 and Res/40/146, 13 December 1985.

⁴ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 38 б.

⁵ Draft Universal Declaration on the Independence of Justice (“Singhvi Declaration”). <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/03/SR-Independence-of-Judges-and-Lawyers-Draft-universal-declaration-independence-justice-Singhvi-Declaration-instruments-1989-eng.pdf>

⁶ Ўша манба.

кўриб чиқиш имконияти билан маълум чекинишларга йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус пандемияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган. Бундай чоралар қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши⁷;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори⁸;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони⁹;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг судлар томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (Covid-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди¹⁰.

Мазкур қарорда айнан коронавирус пандемияси даврида судлар қандай фаолият юритиши ўз ифодасини топган. Қарор Ўзбекистон Республи-

каси ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек моддий ва процессуал қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Пленум қарорида карантин даври ва шартлари Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари билан белгиланиши ва расман бекор қилингунга қадар амал қилиши белгиланган.

Пленум қарори билан коронавирус пандемияси даврида даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси (даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши) биринчи қисмининг 1- ва 2-бандларига асосан тўхтатилиши тушунтирилган¹¹.

Фуқаролик кодексига мувофиқ, агар карантин қоидалари даъво муддатининг охирига олти ойида жорий этилган ёки амал қилишда давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво муддатининг тўхтатиб турилишига асос бўлган карантин барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

Фуқаролик кодекси 333-моддаси (мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари)нинг учинчи қисмига асосан, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 2020 йил 29 январдаги фармойиши. <https://lex.uz/docs/4720398>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 23 мартдаги қарори. <https://lex.uz/docs/4772484>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 мартдаги Фармони. <https://lex.uz/docs/4770761>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (Covid-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори // <https://lex.uz/docs/4805217>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // <https://lex.uz/docs/111189#150442>

Шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда (зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар), мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин шартлари жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланса, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка кўра жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий ва иқтисодий судлар иш юритувида иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, карантин шартлари даврида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолда, судлар ҳар қандай процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда тиклаш масаласини ҳал этиши зарур.

Жорий этилган карантин шароитида судлар ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, уй қамоғида бўлишнинг қонунда белгиланган муддатларини, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш муддатларининг ўтишини тўхтатмасликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича судлар процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, касаллиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида кўриб чиқиш чораларини кўриши лозим.

Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича иш юритишни тўхтатиш асослари тегишли процессуал қонунда назарда тутилганлиги ва тугал ҳисобланиши боис, судлар карантин шартлари жорий этилиши муносабати билан мазкур ишлар бўйича иш юритишни тўхтатишга ҳақли эмас ва уларни карантин шартларида бел-

гиланган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда ўз вақтида кўриш чораларини қўллаши, бундай чоралар ва процесс иштирокчиларининг иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Бунда, карантин шартлари муносабати билан қолдирилган ишларни кўриш муддатларини бузиш ҳолатлари судьяларнинг айби билан йўл қўйилган деб баҳоланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро ҳуқуқ нормаларида фавқулодда ҳолатларда, жумладан ҳозирги коронавирус пандемияси даврида:

биринчидан, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи ҳеч қандай истисноларсиз таъминланиши лозим;

иккинчидан, фақатгина суд бирон бир шахснинг жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкин, яъни фавқулодда ҳолат сабабли ҳеч бир шахс бошқа орган ёки мансабдор шахс томонидан жазоланиши мумкин эмас;

учинчидан, бирон бир суд органи тегишли тарзда судлар таъминлаган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида *ad hoc* ташкил қилинмаслиги керак;

тўртинчидан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 4-моддаси давлатга фавқулодда ҳолат юз берган даврда Пакт бўйича олган мажбуриятларидан чекинишга ҳуқуқ беради, лекин бу халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларга хилоф бўлмаслиги ва инсон ҳуқуқларини камситишга олиб келмаслиги лозим;

бешинчидан, фавқулодда ҳолатларда минимал халқаро стандартлар таъминланган ҳолда, кейинчалик қайта кўриб чиқиш имконияти билан маълум чекинишларга йўл қўйилиши мумкин;

олтинчидан, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори коронавирус пандемияси даврида инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўладиган моддий ва процессуал ҳолатларда чекинишлар юзга келган тақдирда қонун ҳужжатларини судларда қўллашга оид муносабатларни тартибга солади.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВИРТУАЛ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛИ

Олим ФАЙЗИЕВ*

Аннотация. Мазкур мақолада коронавирус пандемияси даврида ўрнатилган карантин шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда кўтарилган 20 га яқин муаммолар таҳлили ёритилган, бу борада муаллифнинг фикрлари баён этилган.

Калит сўзлар: коронавирус пандемияси, карантин шароити, коронавирус инфекцияси, мурожаатлар, мурожаат қилиш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари, муаммолар таҳлили.

Аннотация. В данной статье описываются особенности обращений населения в Виртуальные и Народные приемные Президента Республики Узбекистан в условиях карантина во время пандемии коронавируса, анализируется около 20 вопросов, поднятых в них, взгляды автора.

Ключевые слова: пандемия коронавируса, условия карантина, коронавирусная инфекция, обращения, право на обращение, Виртуальные и Народные приемные Президента Республики Узбекистан, анализ проблем.

Annotation. This article describes the features of the population's appeals to the Virtual and People's Receptions of the President of the Republic of Uzbekistan in quarantine during the coronavirus pandemic, analyzes about 20 issues raised in them, the views of the author.

Keywords: coronavirus pandemic, quarantine conditions, coronavirus infection, appeals, the right to appeal, Virtual and People's Receptions of the President of the Republic of Uzbekistan, analysis of problems.

Маълумки, қарийб тўрт йилдан буён аҳоли кайфиятини, ислохотлар самарадорлигини билицда “барометр” вазифасини бажараётган, халқ билан мулоқот қилиш бўйича йирик платформага айланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари инсонларнинг давлат идораларига мурожаат қилишдан иборат конституциявий ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи, аҳоли муаммоларини монеликсиз айта оладиган очик, шаффоф ва ўзига хос тизим сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан **3,7 миллиондан ортқик**, биргина 2020 йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида **338 814 та** (*жорий йил-*

нинг 7 май ҳолатига кўра) мурожаат келиб тушгани фикримизнинг яққол далилидир¹.

2020 йилда глобал муаммо даражасига кўтарилган коронавирус пандемияси дунёнинг деярли барча давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам олдиндан белгиланган айрим режаларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди, янги ижтимоий муносабатлар ҳамда муаммоларни вужудга келтирди.

Карантин чоралари қўлланилиши, инсонларнинг ҳаракатланишига айрим чекловлар ўрнатилиши, корхона ва ташкилотларнинг иш фаолияти муайян муддатга тўхтатиб турилиши ва бошқа омил-

* Олим Файзиев – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси тизими маълумотлари асосида // <https://pm.gov.uz/uz>.

лар мурожаатлар сони, мазмуни ва йўналишларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Республикада карантин тадбирлари жорий қилинган кундан (23 март) бошлаб 7 май санасига қадар Виртуал ва Халқ қабулхоналарига ушбу масала билан боғлиқ 107 789 та мурожаат² келиб тушган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг корона-вирус пандемияси шароитида турли қийинчиликларга учрашининг олдини олиш, юзага келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда тезкор зарурий чоралар кўрилди, жумладан давлатимиз раҳбари томонидан бир неча бор халқимизга мурожаат қилинди, қатор муҳим ҳужжатлар³ имзоланди, топшириқлар бериб борилди, ушбу топшириқлар ижроси юзасидан Ҳукумат ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан ҳам қатор ҳужжатлар қабул қилинди⁴. Табиийки, кўрилган

бундай муҳим чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини берди.

Карантин шароитида фуқароларнинг муаммоларини тезкор кўриб чиқиб, ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ўқиб, уларни масъулларга юбориш жараёни 24 соатлик иш режимида амалга оширилди. Карантин билан боғлиқ масалаларни тезкор таҳлил қилиб бориш, бундай мурожаатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезкор кўриб чиқишини ташкил этиш мақсадида муаммолар бўйича алоҳида таснифлар (классификаторлар) ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар дуч келган муаммолар ечимини тезкорлик билан топиш учун ҳар бир мурожаат мазмунидан келиб чиқиб, масъул

² Ўша манба.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2020 й., 07/20/5537/0116-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сон “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 07/20/4652/0364-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги ПҚ-4662-сон “Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 07/20/4662/0365-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодийёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2020 й., 07/20/4679/0441-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ-4691-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2020 й., 07/20/4691/0485-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4695-сон “Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.04.2020 й., 07/20/4695/0495-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон “Тўқимачилик ва тиқув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.05.2020 й., 06/20/5989/0533-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 апрелдаги 254-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.04.2020 й., 09/20/254/0500-сон; Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўxtатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3227, 2020 йил 28 март). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 10/20/3227/0371-сон; Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3228, 2020 йил 28 март). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 10/20/3228/0372-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги 08-сон “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4805217>.

ташкilot томонидан уларнинг кўриб чиқилишига қонунчиликда белгиланганидан кўра қисқароқ муддатлар белгилаш амалиёти кенг қўлланилди.

Таъкидлаш жоизки, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича кўрилган аксарият чоралар, хусусан қабул қилинган муҳим ҳужжатлардаги қоидалар аҳоли муурожаатларда кўтарган муаммоларни таҳлил қилиш асосида белгиланди.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган муурожаатларни таҳлил қилсак, жорий йилнинг биринчи чораги давомидаги муурожаатларда кўпроқ суд-хуқуқ, коммунал хўжалик – электр энергия, газ, ичимлик суви таъминоти, банк-молия, бандлик, уй-жой таъминоти каби масалалар⁵ кўтарилган бўлса, карантин шароитида бундай турдаги муурожаатлар сони камайиш тенденциясига эга бўлганлигини айтиш лозим.

Карантин шароитида муурожаатларда кўпроқ эпидемиологик ҳолат натижасида юзага келган масалалар кўтарилди, бундай муурожаатларни таҳлил қилиш натижаси уларда қуйидаги муаммолар билдирилганлигини кўрсатди:

– илгари норасмий сектордаги ишларда банд бўлган ва ҳозирда даромадсиз қолган фуқаролар ҳам моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолгани (маълумот учун, карантиндан олдин, яъни 1 март – 31 март кунлари – моддий ёрдам сўралган муурожаатлар сони – 7 043 та бўлган бўлса, карантин вақтида, яъни 1 апрель – 30 апрель кунлари уларнинг сони 19 704 тани⁶ ташкил қилди). Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида, “Одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошладик. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг кўплаб муурожаатларини ҳам инobatга олдик”⁷, дея таъкидлаб ўтди;

– айрим ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан ун нархи кўтарилган ва ун тақчиллиги кузатилгани (муурожаатлар натижасида ун билан боғлиқ муаммо тезкорлик билан

бартараф этилди, бу ҳолат барча оммавий ахборот воситаларида ҳам ёритилди);

– ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар учун пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмагани, шунингдек уларнинг иш ҳақи ва пенсияларини пластик картага ўтказишга эътироз билдиргани, жойларда банк-оматлар етарли эмаслиги. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пенсия тўловларини банк пластик карталарига ўтказиб бериш чораси, аввало, пенсионерларнинг соғлиғини ўйлаб, уларга юқумли касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида белгиланди. Бироқ муурожаатлар таҳлили ушбу чора барча пенсионерлар томонидан бирдай қўллаб-қувватланмаганлигини ҳам кўрсатди. Бизнингча, мазкур чора ҳар бир пенсионернинг яшаш тарзи, қилган муурожаатлари, кайфияти ва бошқа муҳим индивидуал ҳолатлари инobatга олинган ҳолда ҳаётга татбиқ этилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– бозорларда, аҳоли яшаш жойларида ташкил этилган кўчма савдо шохобчаларида банк пластик карталари орқали тўловларни қабул қилишда муаммолар бўлгани;

– хайрияларни мувофиқлаштириш марказлари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ногиронлар, моддий аҳволи оғир ёлғиз оналар, эҳтиёжманд, кўп фарзандли кам таъминланган оилаларга ёрдам айрим ҳолларда кечикиб кўрсатилгани;

– жорий йилнинг март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган бола нафақаси ва бошқа моддий ёрдам оладиган оилаларга нафақа тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга танаффуссиз давом эттирилиши Президент Фармонида асосан белгиланган бўлса-да, ушбу муддатни узайтириш масаласининг айрим масъуллар томонидан пайсалга солиш ҳолатлари кузатилгани;

– транспорт воситалари ҳаракатланишининг чекланиши сабабли аҳолининг озиқ-овқат учун бозорларга боришида ва чекка ҳудудлардаги озиқ-овқат дўконлари эгаларининг маҳсулот олиб келиш учун шаҳарларга (марказларга) бориб келишида қийинчиликлар туғилгани;

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси тизими маълумотлари асосида. <https://pm.gov.uz/uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси тизими маълумотлари асосида. <https://pm.gov.uz/uz>.

⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/3553>.

– ички ишлар органлари айрим ходимларнинг қўпол муомаласи фуқаролар кайфиятига салбий таъсир қилгани;

– транспортда стикерсиз ҳаракатланишга сабаб бўлган омилларга холис ва қонуний баҳо берилмасдан маъмурий баённома тузилиб, фуқароларнинг транспорт воситалари жариима майдонига киритиб қўйилгани;

– турли йўналишлар бўйича шифокорлар кўриги ва маслаҳатига муҳтож бўлган фуқаролар тиббий ёрдам олишда муайян қийинчиликларга дуч келгани;

– Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган онлайн дарслар дастлабки кунларда фақат ўзбек ва рус тилларида олиб борилгани, бу эса, ўз она тилида таълим олаётган бошқа миллат вакилларига қийинчиликлар туғдиргани;

– интернет хизматидан фойдаланишга талаб кескин ортган бўлса-да, кўплаб ҳудудларда интернет тармоғи мавжуд эмаслиги ёки хизмат сифати истеъмолчиларни қониқтирмагани (тезлиги паст, интернет тармоғига уланишдаги қийинчиликлар);

– дастлабки кунларда ташкил этилган айрим карантинда сақлаш жойларининг шароитлари яхши бўлмагани, уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бермагани;

– карантин жорий этилишидан олдин турли мақсадларда (масалан, даволаниш) бир ҳудуддан бошқа ҳудудга борган, бироқ ҳудудлараро ҳаракатланиш вақтинча тўхтатилганлиги натижасида кўплаб фуқаролар ўз яшаш жойларига қайта олмагани;

– хорижий давлатларда таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва бошқа мақсадларда хорижий давлатларга борган фуқаролар ўз вақтида Ўзбекистонга қайта олмагани ёки аксинча, Ўзбекистон ҳудудида бўлиб турган хорижий давлатларда таълим олаётган, меҳнат қилаётган фуқароларимиз иш жойига ва таълим муассасаларига кета олмагани;

– жисмоний ва юридик шахслар банк кредитларини, тадбиркорлик субъектларидан келишув асосида бўлиб-бўлиб тўлаш эвазига олинган маиший техникалар учун тўловларни вақтида ва кўрсатилган миқдорда қайтаришда қийинчиликларга учрагани;

– айрим иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилиги нормалари жиддий бузилгани (иш ҳақи берилмагани, меҳнат шартномаси бекор қилинган, хоҳиши ҳисобга олинмасдан ходимлар ҳақ тўланмайдиган таътилларга чиқарилгани ва ҳ.к.)

– коронавирус билан зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб борган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари ва бошқаларга ишланган даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш маблағлари турли сабаблар билан ўз вақтида тўлаб берилмагани⁸ ва ҳоказо.

Биз ҳозирча карантин шароитида юзага келган айрим муаммолар ҳақида тўхталдик, ушбу ҳолатда карантиндан сўнг ҳам ҳаёт ўз маромига тушгунига қадар янги турдаги қўшимча муаммолар ўртага чиқиши, шу сабабли мурожаатлар кўпайиши мумкинлигини эътиборга олишимиз лозим. Эътибор берайлик, кундалик истеъмолимизда “карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда”, “коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан жорий қилинган карантин тартиб-қоидалари”, “глобал карантин чекловлари шароитида”, “карантин чора-тадбирлари юмшатилаётган давлатлар” каби тушунчалар кенг қўлланила бошланди, демак, келгусида давлат органлари ҳам, фуқаролар ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва уни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга киришар экан, ушбу глобал муаммонинг таъсирини сезиб туришлари мумкинлигига кўникишимиз лозим, деб ўйлаймиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, карантин шароити бизга зарур хулосалар чиқаришга туртки берди, ахборот технологиялари қанчалик муҳимлигини, айрим соҳаларда хатоларимиз мавжудлигини кўрсатди, шахсий муаммоларни ҳал қилишда сабр-бардошли бўлишга ўргатди. Қайд этиш лозимки, карантин шароити билан юзага келган муаммоларнинг аксарияти бартараф этилди, ишонимизки, қисқа фурсатларда қолган муаммолар ҳам тизимли равишда ўз ечимини топиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, “Кўпга келган ва жаҳон аҳли азият чекаётган бу қийин кунлар, албатта, ўтади”⁹.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси тизими маълумотлари асосида. <https://pm.gov.uz/uz/>

⁹ <https://president.uz/uz/lists/view/3481>.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИ

Луқмонжон ИСОҚОВ*

Аннотация. Ушбу мақолада пандемия шароитида инсонларнинг ҳаракатланиш эркинлигининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Жумладан, миграцияга оид ҳуқуқий муносабатларни бошқариш билан боғлиқ айрим муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: COVID-19, гигиена, ижтимоий, инсон, масофа, мигрант, миграция, пандемия, эркинлик, ҳуқуқ, қонун.

Аннотация. В данной статье рассмотрены особенности свободы передвижения людей в условиях пандемии. В частности, проанализированы проблемы, связанные с управлением миграционных правовых отношений.

Ключевые слова: COVID-19, гигиена, дистанция, закон, мигрант, миграция, пандемия, право, свобода, социальное, человек.

Abstract. This article describes the features of freedom of movement of people in the context of a pandemic. In particular, the problems associated with the management of migration legal relations are analyzed.

Keywords: COVID-19, hygiene, distance, law, migrant, migration, pandemic, right, freedom, social, human.

COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулодда ҳолат бўлиб қолмай, балки иқтисодий ва ижтимоий инқирозни ҳам келтириб чиқармоқда, умуминсоний инқирозга айланиб бормоқда. Аксарият мамлакатлар бевосита инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи, хусусан, ҳар бир шахснинг миграция ҳуқуқи ҳисобланган эркин ҳаракатланишни чеклашга доир қаттиқ чораларни жорий этмоқда. Шунинг учун керакки, ҳавфсизликни таъминлаш бўйича карантин билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар ва чоралар инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш принципларига асосланган бўлиши лозим.

Ўзбекистонда мазкур инфекциянинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик ва касалланганларни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма тузилди¹ ва унинг ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда бандликни таъминлаш учун маблағ ажратилди, коронавирус инфекциясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонлари билан бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, чет элдаги қўлаб фуқароларимиз босқичма-босқич юр-

тимизга қайтарилиб, уларга зарурий тиббий хизматлар кўрсатилди. Айни пайтда чет элдаги фуқароларимизни ватанга қайтариш учун чартер рейсларни амалга ошириш давом этмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар Конституциямизнинг 22-моддасига тўлиқ жавоб беради. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди².

Хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир давлат ўзининг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур муаммони ҳал қилиш учун муайян ишларни ташкиллаштирди. Бирок уларнинг ҳаммасида ҳам кутилган натижа кузатилмаганлиги турли полемикаларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, COVID-19 пандемияси фуқаролик жамияти мавжуд бўлишининг анъанавий ҳуқуқий тизими мустаҳкамлигини шубҳа остига олишга эришди. Вирус тарқалиши жаҳон миқёсида ўтган асрдан бери сақланиб қолган ҳуқуқий “қолиплар”ни ўзгартириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Вируснинг биринчи белгилари намоён бўлишигача тарқала бошланган меҳнат ва турмуш тарзини бу каби виртуаллаштириш “ижтимоий гигиена”нинг

* Луқмонжон Исоқов – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

муҳим қисми ҳисобланади³. Масалан, ўтган йилнинг ўзида озиқ-овқат ва бошқа хизматларни уйга етказиб беришнинг тезкорлик билан ошиб кетиши кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатишга эришди. Ахборот коммуникация технологияларининг тараққий топиши инсонларни ўзаро яқин мулоқотда бўлиш эҳтиёжидан халос этди. Масофавий ёки онлайн ишлаш тартиби ўрта синфнинг айрим вакиллари учун пандемиягача қисматига айланиб бўлган эди. Бу иқтисодиёт ва ҳаётни янада рақамлаштиришга олиб келади. Шунингдек, касалхоналар қурилиши ва шифокорлар меҳнати учун шароитлар яратиш бўйича шошилиш чоралар, пандемиядан кейинги ҳаётда ҳам, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш ва фуқаролар турмуш сифатини оширишга хизмат қилади.

Умумий ҳуқуқлар тизими ўрнига, ҳимояланмаган аҳоли тоифаларининг имкониятлари чекланганлигидан келиб чиққан ҳолда ўз иштирок даражасини мутаносиб равишда ошириб боровчи давлат томонидан тартибга солиш тизими ўрнатилади.

Бу Хитойнинг ижтимоий рейтинглар тизимини эслатади. Унда давлат томонидан ҳимояланмаган ижтимоий меъёрларни инкор этиб, ўзининг мақоми ҳақида қайғурмас ҳам бўлади. Давлат бу каби эркинлик учун жазолай олмайди, лекин ҳеч қандай хизматларни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Ва аксинча, давлат кредитларидан фойдаланиш ёки эркин ҳаракатланиш истагига жамоат хавфсизлиги учун жавобгарлик кўзда тутилади. Йўл ҳаракатида тезликни ошириш сингари, ихтиёрий равишда ўзини яқкалаш тартиби ҳам мустаҳкамланади.

Шу тариқа, пандемия бозор иқтисодиёти “яхши баҳо”га топшира олмаган биринчи имтиҳон бўлди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, мазкур вирус инфекцияси оқибатида глобаллашув жараёни тескарига қараб ҳаракатланади. Зеро, пандемия яқин кунларга қадар мавжуд бўлган оламдаги кадрлар тизимининг ишончли эмаслигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда БМТнинг бир неча универсал ва махсус халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида мигрантлар ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, 1990 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси **“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича”** конвенцияни қабул қилган⁴. Мазкур Конвенциянинг асосий мақса-

ди мигрантлар учун инсон ҳуқуқларига риоя этиши яхшилашдан иборат. Конвенция янги ҳуқуқларни яратмайди, бироқ мигрантлар ва маҳаллий фуқаролар ўртасидаги тенгликни кафолатлашга қаратилган. Ушбу халқаро ҳужжат меҳнаткаш-мигрант тушунчасига кенг таъриф берилганлиги ҳамда ишчи ва унинг оиласига кўп жиҳатли ҳимояни кафолатлаганлиги билан характерланади.

Конвенция ҳақ тўланадиган бандликни қабул қилиш, шунингдек, ноқонуний меҳнат миграциясига барҳам бериш мақсадида мамлакатларaro кўчиб юрвчи шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоялашга қўмаклашишга йўналтирилган. Мазкур ҳужжатда нафақат меҳнаткаш-мигрантлар, балки мавсумий ёки чегарадош ҳудудларда меҳнат қилувчилар, шунингдек, денгизчи, балиқчи, хорижда аниқ лойиҳалар бўйича банд кишилар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қамраб олинган⁵.

93 моддадан иборат Конвенция меҳнаткаш-мигрантларнинг имкон қадар тўла равишда барча асосий фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ўзида мужассам этган. Ҳужжатда меҳнаткаш-мигрантлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий субъект сифатида ҳам қаралган. Конвенция ноқонуний меҳнат мигрантдан қонуний меҳнат мигрантни ажратган, лекин уларнинг ҳаммасига камида асосий ҳуқуқлар ҳимояси кафолатланган. Шунингдек, ҳужжатда ноқонуний миграция ҳаракатига қарши курашиш бўйича айрим чоралар ҳам тавсия этилган.

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашдаги мураккаблик шундаки, улар иккала юрисдикциянинг субъектига айланади. Яъни бир томондан, ўзининг чиққан давлати ва иккинчи томондан келиб ишлаётган ёки иш қидириб келган давлат қонунчилигига бўйсунушидаги ҳуқуқий ҳолатидир. Ушбу иккала давлат қонунчилигидаги фарқ нафақат мигрантнинг у ёки бу ҳуқуқларидан фойдаланишини мураккаблаштиради, балки уларни бузишга ҳам имкон яратиб беради.

Энг кизиқарли жиҳати шундаки, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишни талаб қилиши боис, йирик миқдорда хорижий ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлардан бирортаси ҳам ушбу Конвенцияга қўшилмаган. Чунки ушбу давлат-

³ Павленко Е.В. Киберпространство медицины: интернет как враг и союзник врачаи пациента. Социология медицины, № 1(22), 2013. – С.42-46.

⁴ International Convention on the Protection of the Rights of All Migrant Workers and Members of Their Families // Электрон манба: <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CMW.aspx>

⁵ Ушбу халқаро ҳужжат БМТнинг “Мигрантлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция номи билан ҳам оммалашган. Аслида мигрантлар ҳуқуқлари бўйича БМТнинг бундан ташқари бошқа халқаро конвенцияси мавжуд эмаслигини ёдда тутиш лозим.

лар ўз фуқароларининг хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганда дуч келиши мумкин бўлган бир қатор салбий оқибатлар келтирувчи ҳолатлардан шу тарзда суғурталанишига интиладилар.

Яна бир муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 19 декабрь куни қабул қилинган “**Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома (пакт)**”⁶. Ушбу ҳужжат илк маротаба миграциянинг барча жиҳатларини қамраб олувчи 23 та мақсадни ўз ичига олган “Мароқаш пакти” номи билан тарихда қолди⁶.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар пандемия шароитида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоялашга ожиз, деб ҳисоблаймиз. COVID-19 пандемияси халқаро даражада қабул қилинган универсал халқаро шартномалар ва келишувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Чунки пандемия шароитида кўпгина мамлакатлар чегараларни ёпишди ёки уларни кесиб ўтишни чеклашди. Бундай чекловлар билан бир пайтнинг ўзида инсон ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш мумкинлигини кўрсатди. Масалан, аксарият мамлакатларда ёки чегара олди ҳудудларда қолиб кетган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиб, карантинга олишган. Айрим давлатлар мигрантларга нисбатан бундай чоралар кўрмаганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, айрим мамлакатлар COVID-19 инкирозини енггандан кейин ҳам киритилган миграцион чекловларни қолдириши эҳтимоли мавжуд. Шу тариха, улар ўз фуқароларининг иш билан бандлигини таъминлаш, ундан кейингина мигрантларни жалб қилишга интилади. Чет элда ишлаш учун қонуний йўлларнинг камайиши мигрантларнинг ночор қолишига хавф солади. Оқибатда улар жиноятга қўл уриши ёки чет элга чиқишнинг ноқонуний йўлларини танлаши орқали уюшган жиноий гуруҳларнинг хуфёна иктисодиётига қўмаклашиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис, COVID-19 пандемияси шароитида миграция ҳуқуқининг асосини ташкил қилувчи ҳаракатланиш эркинлигини таъминлашда давлатлар ушбу масаланинг бир қатор жиҳатларини инобатга олиши зарур, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, мазкур салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, давлатлар ҳаракатланиш эркинлигини оммавий тарзда ҳаддан зиёд чекламаслиги ва **ҳар бир ҳудуд бўйича манзилли ва индивидуал ёндашув асосида** чоралар кўриши мақсадга муво-

фиқ ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон тажрибаси намуна сифатида олинishi мумкин. Жумладан, мамлакатимизда карантин чоралари юмшатиладиган ҳудудларни белгилаш аниқ мезонлар асосида баҳоланмоқда. Масалан, “ўзини яқкалаш” ҳаёт тарзи жорий этилиб, 65 ёшдан юқори бўлган фуқароларга уйдан ташқарига чиқиш ман этилди, зарурат бўлган тақдирдагина яқин атрофдаги дорихона, озик-овқат ва бирламчи зарур маҳсулотлар дўконларига чиқишга рухсат берилди, ва ниҳоят, туманлар ва шаҳарлар “қизил” (юқори хавфли), “сарик” (ўрта хавфли) ва “яшил” (хавфсиз) ҳудудларга ажратилди.

Иккинчидан, ҳаракатланиш эркинлиги чекланишидан кўриладиган зарарларни камайтириш ва бартараф этиш мақсадида карантин жорий этилган мамлакатларда давлат ҳокимияти аҳолини озик-овқат, сув, тиббий ёрдам билан жойларнинг ўзида таъминлаши лозим. Чунки аксарият ёши кекса, бемор ва имконияти чекланган шахсларнинг эҳтиёжи шуни тақозо этади. Бу борада, мамлакатимизда асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нархлар барқарорлигини назорат қилиш, кўпчилик бир жойда тўпланишининг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат кўчма бозорлар ташкил этилди.

Учинчидан, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш инсон ҳуқуқларининг асосий принципларига зид келмаслиги лозим⁷. Бунда ҳаракатланиш ва сафарларни тақиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги чуқур ўйланган бўлиши талаб этилади. Баъзи ҳолларда бу каби чоралар номуносиб бўлиб, чекловчи таъсирга эга ва ҳар доим ҳам касаллик тарқалишининг олдини олавермайди. Бунинг натижасида одамлар “эгри” йўлларни излаш, касаллик белгиларини яшириш ва бу ҳақда хабар бермасликка ҳаракат қилиши мумкин, жавоб чоралар самарадорлиги йўқолиши эҳтимоли мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, корона-вирусга қарши курашишда ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, қаттиқ чораларни қўллаш демократик тамойилларга мос равишда олиб борилиши зарур. Ҳар бир кўриладиган чора, аввало, қонуний асосга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, сиёсатчилар фавқулодда вазиятлар режимини сунистеъмол қилишни бошласа ёки ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган ҳар қандай ҳаракатни (ҳаракатсизликни) амалга оширсан, бу жамоат тартиби ва халқ кайфиятига салбий таъсир ўтказади. Бундай шароитларда қарорлар демократик йўл билан қабул қилиниши зарур.

⁶ Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома (пакт) / Pacte mondial pour des migrations sûres, ordonnées et régulières // Электрон манба: <https://undocs.org/fr/A/CONF.231/3>.

⁷ Права человека в период COVID-19. Уроки эпидемии ВИЧ-инфекции: эффективное реагирование силами сообщества. – Женева: ЮНЭЙДС, 2020. – С.14 (20).

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ЮРИДИК-ТЕХНИК НОРМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Анвар ЯШНАРБЕКОВ*

Аннотация. Мақолада пандемия даврида юридик-техник нормаларнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган. Жумладан, пандемия даврида мамлакатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили ва юридик-техник нормаларнинг таснифи ёритилган. Шу билан бирга, юридик-техник нормалар тизими бўлган юридик-техник тартибга солиш давлат ва жамият хавфсизлигини ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, коронавирус ва бошқа юқумли касалликларни профилактика қилишдаги аҳамияти илмий жиҳатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик-техник нормалар, санитария-эпидемиологик қоидалар, табиий омиллар (иқлимнинг ўзгариши, табиий офатлар) ва техноген хусусиятдаги омиллар.

Аннотация. в статье представлен научный анализ важности юридико-технических норм в период пандемии и ее особенностей. В частности, анализируются нормативно-правовые акты, принятые в стране во время пандемии, и классификация юридико-технических норм. А также, научно обоснована важность юридико-технического регулирования, представляющего собой систему юридико-технических норм, для обеспечения государственной и общественной безопасности, а также санитарно-эпидемиологического благополучия, профилактики коронавируса и других инфекционных заболеваний.

Ключевые слова: нормативно-правовые акты, юридико-технические нормы, санитарно-эпидемиологические правила, природные факторы (изменение климата, стихийные бедствия) и техногенные факторы.

Annotation. The article presents a scientific analysis of the importance of legal and technical standards during a pandemic and its features. In particular, analyzed the legal acts adopted in the country during a pandemic and the classification of legal and technical standards. And also, the importance of legal and technical regulation, which is a system of legal and technical standards, for ensuring state and public safety, as well as sanitary and epidemiological well-being, prevention of coronavirus and other infectious diseases, is scientifically substantiated.

Key words: regulations, legal and technical standards, sanitary and epidemiological rules, natural factors (climate change, natural disasters) and technological factors.

2020 йил бошидан жаҳон мамлакатларида коронавирус инфекцияси тарқалиши юзага келиши муносабати билан ушбу давлатлар томонидан мазкур инфекцияга қарши курашиш, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилиши бошланди.

Мазкур кўринмас офатдан бизнинг мамлакатимиз ҳам “четда қолмади”. Давлатимиз Раҳбарияти ҳамда ваколатли органлар томонидан ўз вақтида кўрилган самарали чора-тадбирлар натижасида коронавирус инфекциясини “жиловлаш”га эришилди.

Таъкидлаш лозимки, кўрилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, коронавирус пандемияси

билан бевосита боғлиқ бўлган 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, юртимизга коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилиниб, унга кўра республика махсус комиссияси ташкил қилинди.

Республика махсус комиссияси томонидан коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида 20 дан ортиқ

* Анвар Яшнарбеков – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, коронавирус пандемияси даврида кўплаб юридик-техник нормалардан иборат ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Шу ўринда пандемия даврида юридик-техник нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга эканлигин қайд этиш лозим.

Авваламбор, юридик-техник нормаларнинг юридик табиатига қисқача тўхталиб ўтсак. Юридик-техник нормаларнинг вужудга келиши кўп жиҳатдан ташқи дунё объектларига инсон таъсири билан боғлиқ фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш ва алоҳида субъектлар ҳамда жамиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади билан изоҳланади.

Юридик-техник нормалар орқали бу борадаги муносабатлар бевосита қандай мақсадда тартибга солинишига қараб, уларни қуйидаги иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

а) инсон ва унинг меҳнати натижаларини ҳамда атроф табиий муҳитни турли хил омиллар таъсиридан муҳофаза этишга қаратилган нормалар;

б) алоҳида шахслар ёки жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга ва манфаатларини амалга оширишга қаратилган нормалар.

Биринчи гуруҳга кирувчи юридик-техник нормалар “**инсон – атроф табиий муҳит**” тизими хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. “Инсон – атроф табиий муҳит” уйғунлигига бўлган хавфлар ижтимоий-иқтисодий омиллар (озикланиш, соғлиқни сақлаш даражаси ва шу қабилар), табиий омиллар (иқлимнинг ўзгариши, табиий офатлар) ва техноген хусусиятдаги омиллар (ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар билан атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, техник механизмлардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ҳодисалар ва бошқалар) натижасида келиб чиқади.

“Инсон – атроф табиий муҳит” тизими ва унинг таркибий элементлари ўртасидаги алоқадорлик турли йўналишларда кечиши билан тавсифланади. Ушбу тизим таркибий элементларининг ўзаро алоқалари хавфсиз ёки хавфли даражада намоён бўлади. Хавфли даражадаги алоқалар табиат ресурслари ва объектлари ҳамда мазкур тизим элементларидан бирининг нобуд бўлишига

олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш учун юридик-техник нормалар орқали муайян қоидаларни ўрнатиш ва шу асосда инсонларнинг ташқи олам объектларига нисбатан у ёки бу даражада таъсир этиши билан боғлиқ бўлган фаолиятларини тартибга солиш зарур бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, табиий ва антропоген омиллар атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этиш омиллари бўлиши мумкин. Табиий омиллар инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмайди. Шундай бўлсада, инсон табиий офатларнинг хавфли таъсирини камайтиришга эришиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам табиий офатлар юз берганда амал қилиш лозим бўлган хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилади.

Табиий омиллардан фарқли ўлароқ, антропоген омиллар бевосита ёки билвосита инсон фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Биринчи гуруҳга кирувчи юридик-техник нормалар айнан табиий ва антропоген характердаги омилларнинг зарарли таъсирини тугатиш ёки камайтиришга хизмат қилади.

Ушбу гуруҳга мансуб бўлган юридик-техник нормаларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ёнғин хавфсизлиги қоидалари, санитария-эпидемиологик қоидалар ва нормалар, ветеринария қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидалар, агрохимикатларни қўллаш нормалари, меҳнат хавфсизлигига оид стандартлар, транспортнинг турли йўналишларда юкларни ташиш қоидалари, экологик нормалар ва бошқалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**”ги Қонунининг 3-моддасида **техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга** техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шахарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар сифатида таъриф берилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, пандемия даврида инсонларнинг саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлашда юридик-техник нормаларни қабул қилиш ва амалга ошириш устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, 2020 йил 11 майда янги тахрирдаги “**COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланиши шароитида**

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари” номли Ўзбекистон Республикаси санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари қабул қилинди.

Ушбу вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари COVID-19 инфекцияси тарқалиши бўйича эпидемиологик вазиятнинг кескинлашуви даврида ишчи ва ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш учун мақбул меҳнат шароитини ва меҳнат жараёнини ташкил этиш билан атроф муҳитни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур санитария қоидалари давлат идоралари шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсинуvidан қатъи назар бошқа ташкилотларга қўйиладиган гигиеник талабларни белгилайди. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида меъёрий ҳужжат ҳисобланиб, барча ташкилотлар томонидан бажариш учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Санитария қоидаларини бузганлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мустаҳкамланган.

Юридик-техник нормаларнинг мақсади фақат инсон ёки ташқи олам объектларини турли хил хавфли таъсирлардан ҳимоя қилиш билан чегараланмайди. Юридик-техник нормаларнинг шундай гуруҳи мавжудки, уларнинг мақсади жамият ёки унинг алоҳида субъектларининг иқтисодий ва бошқа манфаатларини амалга оширишга кўмаклашишдир. Ўз навбатида, бундай манфаатларга қуйидагиларни кiritиш мумкин: фан, техника ва технологияларнинг ривожланиш даражасига мос равишда маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг сифат даражасини оширишга эришиш; маҳсулотларнинг техник тавсифи ва унга тегишли ахборот ўртасидаги ўзаро мослик, ўлчов бирликлари ва воситаларининг ягоналиги; барча турдаги ресурсларни иқтисод қилиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа манфаатлар.

Бундай турдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган юридик-техник нормалар қуйидагилардан иборат: хомашёлар, материаллар, ёнилғи ва электр энергиясини сарфлашга оид нормалар; маҳсулотни синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишга оид нормалар; маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг сифатига қўйиладиган талаблар; технологик қоидалар; техник воситалардан фойдаланиш қоидалари; ўлчов қоидалари ва бошқалар.

Юридик-техник нормаларни қабул қилган ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари доирасига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Бошқа ҳар қандай юридик нормалар каби юридик-техник нормалар ҳам улар ифода этилган манбаларнинг иерархик тузилиши нуқтаи назаридан даражаси ҳамда юридик табиатига кўра таснифланади. Ушбу мезон асосида юридик-техник нормаларнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин: халқаро шартномаларда ўз ифодасини топган нормалар; тегишли қонун ҳужжатларидаги нормалар; Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган нормалар; ижро ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қонуности ҳужжатлардаги нормалар; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларида акс эттирилган нормалар; локал (корхона, ташкилот, муассасалар) манбалардаги нормалар.

Юридик-техник нормаларни амал қилиш доирасига кўра умумий ва чекланган ҳаракатда бўладиган нормаларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги юридик-техник нормаларнинг хусусияти шундаки, уларнинг ҳаракати вақт, ҳудуд, соҳа ёки субъектлар билан боғлиқ ҳолатлар билан чегараланмайди. Бундай юридик-техник нормалар қаторига кўпчилик давлат стандартлари (ГОСТ) ва давлат санитария-эпидемиологик қоидалар кирди. Мазкур юридик-техник нормалар мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил кучда бўлади. Чегараланган юридик техник нормаларнинг ҳаракатда бўлиши эса муайян шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади. Ушбу шарт-шароитларнинг хусусиятига кўра уларни қуйидагича таснифлаш мумкин: муайян вақт доирасида амалда бўладиган нормалар; муайян ҳудуд доирасида амалда бўладиган нормалар; субъектларнинг чекланган доирасига нисбатан ҳаракатда бўладиган нормалар.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий воситаси юридик-техник нормалар тизими бўлган юридик-техник тартибга солиш давлат ва жамият хавфсизлигини ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, коронавирус ва бошқа юқумли касалликларни профилактика қилишга ўзининг сезиларли равишда ижобий таъсирини ўтказди. Зеро, юридик-техник тартибга солишнинг асосий мақсади фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат мулкни ҳимоя қилиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳисобланади.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА КАРАНТИН ШАРОИТИДА СУД-ТЕРГОВ ПРОЦЕССИГА ОИД ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Азизхон ПЎЛАТОВ*

Аннотация. Мазкур мақолада пандемия ва карантин даврида суд-тергов процессига оид долзарб муаммолар таҳлил қилинган. Суд-тергов вақтида гигиена-хавфсизлик чораларини кўриш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жиноят процесси иштирокчиларини сўроқ қилишга оид масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида миллий қонунчилик тизимига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклифи берилган.

Калит сўзлари: суд-тергов; пандемия, карантин, шифокор, гувоҳ, адвокат, сўроқ, ҳуқуқ ва эркинликлар, жиноят процесси, замонавий технологиялар.

Аннотация. В этой статье рассматриваются актуальные проблемы, связанные с судебным процессом во время пандемии и карантина. Предлагается внести поправки и дополнения в национальную правовую систему для предотвращения распространения инфекции. В ходе судебного разбирательства будут также рассмотрены вопросы, связанные с использованием современных технологий и опросом участников уголовного процесса, а также принятие мер гигиены и безопасности в ходе судебного разбирательства.

Ключевые слова: судебное следствие, пандемия, карантин, доктор, свидетель, адвокат, допрос, права и свободы, уголовный процесс, современные технологии.

Abstract. This article discusses current issues related to the lawsuit during a pandemic and quarantine. It is propose to amend and supplement the national legal system to prevent the spread of infection. The trial will also address issues related to the use of modern technology and interviewing participants in criminal proceedings, as well as the adoption of hygiene and safety measures during the trial.

KEY WORDS: judicial, investigation, pandemic, quarantine, doctor, witness, lawyer, interrogation, rights and freedoms, criminal procedure, modern technologies.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди ва Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Айни пайтда юртимизда инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, эпидемияга қарши курашиш ва карантин қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

2020 йил 29 январда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши¹ билан махсус комиссия ташкил этилиб, мамлакатимиз

худудида коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури тайёрланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди².

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси ху-

* Азизхон Пўлатов – Тошкент давлат юридик университети мустақил ишланувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2020 й., 07/20/5537/0116-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон.

дудиди 2020 йил 24 мартдан эътиборан карантин эълон қилинди.

Карантин даврида суд-тергов процесси муаммолари таҳлилга ўтишдан олдин “карантин” ва “эпидемия” тушунчаларига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган таърифга кўра, “Пандемия – бу эпидемик касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат ёки қитъада ёппасига тарқалишидир”³.

“Карантин – бу юқумли касалликлар ва қишлоқ хўжалиги зараркунандалари тарқалишининг олдини олиш учун давлат томонидан ўтказиладиган санитария тадбирларидир”⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига илова қилинган низомда эса, “Карантин – маълум ҳудудни коронавирус инфекцияси тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ва уни йўқотишга ҳамда коронавирус инфекциясининг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган маъмурий ва санитария-эпидемиологик тадбирлар мажмуи”, дея таъриф берилган⁵.

Демак, карантин – ўта хавfli юқимли касалликлар (ҳозирги кунда COVID-19) тарқалишини чеклашга қаратилган эпидемияга қарши маъмурий ва санитария тадбирлари мажмуидир. Карантин маълум ҳудудни касаллик тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ҳамда инфекциянинг бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади. Шунинг учун ҳам карантин эълон қилинган ҳудудда аҳоли орасида ҳамма турдаги алоқа, борди-келди кескин чекланади.

Карантин шароитида ҳам жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизими қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича зиммасига олган устувор вазифаларни бажаришда давом этиши зарур. Карантин шароитидаги суд-тергов амалиёти таҳлили,

шунингдек, халқ билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашда тўсик бўлувчи айрим ҳуқуқий бўшлиқлар борлиги яққол намоён бўлди.

Карантин шароитидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари, шу жумладан тергов изоляторларига кириш-чиқиш, муассасада сақланаётган ва у ерга кирувчи фуқароларнинг хавфсизлиги нуктаи назаридан вақтинча тўхтатилди. Кечиктириб бўлмайдиган терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ҳаракатларигина ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилинган тарзда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Тергов ҳаракатлари ўтказиш учун чақиртирилган процесс иштирокчилари билан карантин қоидаларига асосан, махсус ҳимоя-гигиена воситаларидан фойдаланган ҳолда фақатгина зарурий тергов ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда, ички ишлар органларининг тегишли процессуал ҳаракатларни амалга оширишга масъул бўлган бўлинмалари томонидан фуқароларни максимал даражада чақирмаслик чоралари кўрилмоқда⁶.

Карантин даври адолатнинг асосий тамойилларидан бири – ошкораликка хавф туғдиради. Сабаби карантин шароитида қариндошлар, тингловчилар ва матбуот ходимлари суд залига киритилмаслиги мумкин. Процесс иштирокчилари ёши ёки соғлиғи сабабли ўз-ўзини изоляция қилиши ёки суд-терговнинг асосий гувоҳлари карантин баҳонасида келмаслиги эҳтимоли ҳам мавжуд. Адолатнинг асосий тамойили очиклик ва ошкоралик эканини инобатга олсак, суд-тергов ишларини тарафлар йўқлигида кўриб чиқиш бу принцип бузилишига олиб келади. Албатта, суд-тергов ишларини тўхтатиб туриш мумкин эмас, чунки процес-

³ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Т.: ЎзРФА Тил ва адабиёт институти, 2006. – 372 бет.

⁴ Ўша манба.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти расмий веб-сайти // www.tergov.uz/oz/news/tergov-harakatlari.

суал муддатлар ўтиб кетиши гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлади. Шунингдек, гумонланувчи ўзига қўйилган айбдан ҳимояланиш учун ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши, бунинг учун барча шароитлар яратиб берилиши лозим.

Маълумки, карантин даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари эркин юришларига рухсат этилгани ҳолда ҳимоячилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари эркин юришлари ҳамда автомашиналарда бемалол ҳаракатлана олишлари осон эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланган тартибда гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодаликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилиши⁷ ва сўроқ қилиш учун чақирилтирилган пайтда ҳозир бўлишлари шарт⁸. Узрсиз сабабларга кўра келишмаса, мажбурий тарзда олиб келинади.

Узрли сабаблар деганда, шахсинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафариди эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги назарда тутилиши белгиланган⁹. Кўриниб турибдики, бунда эпидемия ҳолати эътибордан четда қолган.

Айрим хорижий давлатлар, масалан, Украина тажрибасини оладиган бўлсак, амалдаги қонунчиликка кўра, суд-тергов процессига шахс чақиртилганда унинг кела олмаслигига рухсат берилган узрли сабаблар рўйхатига эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар даври, табиий офатлар ва шунга ўхшаш объектив ҳолатлар ҳам киритилган¹⁰.

Шу ўринда яна бир муаммоли жиҳат мавжуд. Суд-тергов процессига чақиртилган шахс бошқа шаҳарда истиқомат қилиши ёки муайян сабабларга кўра бошқа шаҳарда бўлиши мумкин. Карантин даврида шахсий автомобил ва йўловчи ташиш транспортларидан фойдаланиш имконияти чеклангани оқибатида чақиртилган шахс қан-

дай қилиб суд ёки тергов органига етиб боради? Суд-тергов органлари шахсий ёки йўловчи ташиш транспортларидан фойдаланишга рухсат бериш ваколатига эга эмас. Фикримизча, бундай ҳолатларда чақирилувчи шахс суд-тергов органларига кела олмаслиги сабабларини изоҳлаб, ёзма тарзда ёки телефон орқали хабар бериши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, чақирилувчи шахс суд-тергов органига келган тақдирда ҳам терговчидан шахсий ҳимоя воситаларини (тиббий ниқоб, комбинезон, этик, кўзойнак, қўлқоп, дезинфекция воситалари ва бошқалар) талаб қилиш, бу шартлар бажарилмаган тергов ҳаракатларида қатнашишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бундай талаб корона-вирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ҳукумат томонидан қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, унга риоя этилмаслиги маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши мумкин¹¹. Карантин даврида шаффофликни таъминлаш мақсадида суд-тергов ҳаракатларини имкон қадар видео кузатув воситалари билан жиҳозланган хонада олиб бориш, “боди камералардан фойдаланиш тавсия этилади.

Албатта, гигиена-хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик инфекция тарқалишига сабаб бўлиб, процесс иштирокчилари ҳамда тергов идоралари ходимлари ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдириши мумкин. Биринчи навбатда, қўл сиқиш, кучоқлашиш, йўталаётганлар билан мулоқотда бўлиш, 2 метрдан кам бўлмаган оралиқ масофани сақлаш, бир жойда тўпланишдан чекланиш зарур. Хизмат транспортда тутқич ва ўриндиқларга иложи борича тегинмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Бундан ташқари жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни суд-терговга олиб келиш ҳам уларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдириши мумкин. Бунда гигиена-хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

Карантин даврида жазони ижро этиш муассасаларда сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг адвокат билан учрашиши ҳам мураккаблашади. Бунда, бир томондан, ин-

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Т.: Ўзбекистон, 2018. – 97-модда.

⁸ Ўша манба. – 261-модда.

⁹ Ўша манба. – 264-модда.

¹⁰ Қаранг: https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protseualnij_kodeks_ukraini/statja-138.htm.

¹¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон.

фекция юктириб олиш хавфининг юкорилиги, иккинчи томондан, процесс иштирокчиларига юридик ёрдам кўрсатиш зарурияти, учинчи томондан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслик талаби мураккаблик келтириб чиқаради. Фуқаролар ҳаракатлари чекланган даврда фақатгина суд-тергов органлари томонидан тайинланган адвокатларга рухсат берилиши суиистеъмомликларга олиб келиши мумкин.

Шунингдек, соқчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ходимлари оила аъзоларини инфекция юктириб олиш хавфидан ҳимоялаш чораларини ҳам мулоҳаза қилиш керак.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётганлардан нарсаларни олиш ва беришни вақтинча тўхтатиб туриш масаласини кўриб чиқиш керак.

Қолаверса, карантин даврида процесс иштирокчиларига чакирув қоғози юбориш ҳам хавфли ҳисобланади. Чакирув қоғози ўз манзилига бир неча қўлдан ўтиб боради, шу тариқа инфекция тарқалишига шароит пайдо бўлади. Чунки корона-вирус инфекцияси қоғозда узоқ муддат сақланиши олимлар томонидан аниқланган.

Яна бир қийинчилик эпидемия ва карантин даврида суд-терговга оид муҳим далилларни тўплаш билан боғлиқ. Сабаби кўпчилик инсонлар инфекция юктириб олишдан хавфсираб уйдан чиқмасликка ва мулоқотда бўлмасликка интиладилар.

Пандемия даврида аҳолининг саломатлиги йўлида курашувчи энг муҳим қатлам шифокорлар эканини инобатга олиб, улар фаолиятини барча орган ва ташкилотлар, жумладан суд-тергов органлари томонидан ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Пандемия даврида шифокорларга нисбатан суд-тергов ҳаракатларини олиб бормаслик ёки суд-тергов процессига уларни имкон қадар жалб этмаслик керак, назаримизда.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида қуйидаги таклифларни билдирамиз:

– Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 138-моддасида белгиланган узрли сабаблар рўйхатига “эпидемия, пандемия, карантин, ҳарбий ҳаракатлар даври, табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатлар” тушунчаларини киритиш;

– суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнларини “онлайн” режимда ва масофавий

тарзда (видеоконференция орқали) ўтказиш;

– мурожаат, ариза, шикоят ва қарорларни электрон шаклда қабул қилиш;

– масофадан туриб ишлаш ва мулоқот қилиш тартибини жорий этиш;

– зарурий ҳолатларда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ходимлари ва фуқаролар карантин қоидаларига қатъиян амал қилган ҳолда (тиббий ниқоб, комбинезон, этик, кўзойнак қўлқоп, дезинфекция воситалари ва бошқалар) процессда қатнашишларини таъминлаш;

– суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья сўроқ қилиш жараёнида карантин қоидаларига амал қилмаган тақдирда сўроқ қилинувчи шахсларга тергов ҳаракатларида ва судда қатнашишни рад этиш ҳуқуқини бериш;

– сўроқ жараёнларини шиша тўсиқ орқали ўтказиш;

– процесс иштирокчилари учун электрон имзолар жорий қилиш;

– ҳужжатлар алмашинувини электрон тарзда амалга ошириш;

– кечиктириб бўлмайдиган суриштирув, тергов ва суд ҳолатларида чакирув қоғози, суд қарори ёки ажрими процесс иштирокчиларининг шахсий ёки йўловчи ташиш транспортдан фойдаланишлари учун рухсатнома ўрнида ўтишини жорий этиш;

– ижтимоий тармоқларда (телеграмм, инстаграмм, фейсбук, имо) фуқароларга юридик ёрдам берувчи каналлар сонини ошириш;

– пандемия даврида саломатлигига хавф туғдирадиган шароитда ишловчи ходимларнинг ойлик маошига кўшимча ҳақ тўлаш тартибини жорий этиш;

– пандемия даврида тиббиёт соҳаси ходимларига нисбатан тергов ҳаракатларини тўхтатиб туриш.

Ушбу чора-тадбирлар пандемия даврида карантин шароитида самарали натижа беради. Шунингдек, ҳозирги коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият келгусида суд-тергов тизимини бутунлай ўзгартириб юбориши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИДА

Шокир ҒАФҒАРОВ*, Мансур МУСАЕВ**

Коронавирус пандемияси дунё миқёсида жуда катта ташвиш ва хавотир уйғонишига сабаб бўлмоқда. Касалланганлар сони кун сайин ўсиб бормоқда. АҚШ, Россия, Испания, Италия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Эрон ва Туркия каби давлатларда касалланиш кўрсаткичи, айниқса, юқори. Афсуски, ушбу офат бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коронавирус пандемиясига қарши курашда икки хил амалиёт – “Хитой услубидаги ёндашув” ва “Британ-швед” тажрибаси мавжуд. “Хитой услубидаги ёндашув”нинг асосий мазмуни: давлат томонидан кескин карантин чораларини амалга ошириш, ижтимоий масофаланиш қоидаларига қатъий риоя этиш, оммавий тадбирларни тақиқлаш, транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш, гигиена қоидаларига оғишмай амал қилишдан иборат. Бунда асосий мақсад инфекция занжирини узиш, касалликка чалинганларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларни соғлом аҳолидан ажратиб олишга қаратилган. Хитой ушбу чораларни қўллаш орқали оғир синовга қарши муваффақиятли кураша олди.

Коронавирус пандемиясига қарши курашда “Британ-швед” тажрибасининг асосий жиҳатлари фуқароларнинг ўз интизомига кўпроқ таяниш, давлат томонидан чеклов чораларининг кенг қўлланилиши, “омма” иммунитетига умид қилишдан иборатдир. Бунда иммунитетни паст, ёши улуг инсонлар пандемиянинг қурбони бўлиши эҳтимоли юқори. Шуни таъкидлаш ўринлики, инфекция билан касалланганлар сонининг тез суръатда ўсиши сабабли Буюк Британия ўзининг “либерал” ён-

дашувини ўзгартириб, кескин чеклов чораларини киритишга мажбур бўлди.

Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши курашда “Хитой услубидаги ёндашув”дан фойдаланилиб, қатъий карантин тартиби жорий этилди. Қўрилган чора-тадбирлар самараси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германиянинг “Public Diplomacy” ташкилоти, АҚШнинг “The Diplomat” журнали, Россиянинг “ANNA-news” информацион агентлиги ва бошқа кўплаб нуфузли халқаро ОАВлар томонидан ҳақли равишда юқори баҳоланди.

Жумладан, коронавирусни даволаш, назорат ва профилактика қилиш масаласида ҳамкорлик учун Ўзбекистонга келган эпидемиолог, вирусолог, пульманолог, терапевт, хирург ва инфекционистлардан иборат бўлган 15 кишилик Хитой тиббий жамоаси вакиллари ҳам мамлакатимизда кўрилатган чора-тадбирларга ижобий хулоса беришди¹. Хитойлик мутахассислар юртимизда коронавирус инфекцияси билан касалланганлар ҳамда беморлар даволанаётган клиникалардаги вазият билан яқиндан танишди. Юқори Чирчиқдаги 20 минг кишини сиғдирувчи карантин шаҳарчаси, Зангиотада қурилатган 10 минг кишилик даволаш клиникасидаги вазиятни бориб ўрганишди. Хитойлик экспертларнинг бир гуруҳи Самарқанд шаҳрида, яна бир гуруҳи Фарғона водийси вилоятларида бўлиб, беморлар вирусдан даволанаётган клиникалар фаолияти билан ҳам танишди. Шу тариқа, улар Ўзбекистонда коронавирусга қарши олиб борилаётган чораларни ижобий баҳолаган ҳолда ўзбек мутахассисларининг коронавирусга

* Шокир Ғаффаров – тарих фанлари доктори, Самарқанд тиббиёт институти профессори.

** Мансур Мусаев – Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ “Коронавирус билан курашда Ўзбекистон тажрибасини бошқа давлатларда ҳам жорий этса арзийди” – хитойлик экспертлар. <https://kun.uz/news/2020/04/21/koronavirus-bilan-kurashda-ozbekiston-tajribasini-boshqa-davlatlarda-ham-joriy-etsa-arziydi-xitoylik-ekspertlar>.

қарши кураш тажрибасини ўрганиш ҳамда уни бошқа мамлакатларда жорий этиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, республикамизнинг Покистон пойтахти Исломободдаги элчихонасида Ўзбекистонда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга бағишлаб ўтказилган видео мулоқотда қатнашган покистонлик экспертлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, журналистлар ҳам мамлакатимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Бу ҳақда “Daily Ittehad” газетаси бош муҳаррири Тоҳир Фарук шундай фикр билдирди: “Бугунги кунда COVID-19 пандемияси 200 дан ортиқ давлатда қайд этилди ва тарқалишда давом этмоқда. Ушбу касаллик Ўзбекистонга ҳам кириб борди. Аммо, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда коронавирусга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўрилмоқда. Шаҳарларда ва вилоятлараро ҳаракатлар тўхтатилиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун савдо шохбчалари одатдаги тартибда, аммо карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритмоқда. Мазкур юқумли касалликнинг тез тарқалишига қарши муносиб курашилмоқда”².

Мана шундай ижобий фикрлар Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ҳузуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти мутахассиси Сюй Тао томонидан ҳам айтиб ўтилди. У давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини юмшатиш бўйича кўрилаётган чораларни таҳлил қилар экан, қуйидаги асосий жиҳатларни таъкидлаб ўтди: “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Республика махсус комиссиясининг ташкил этилиши аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ва

беморлар соғлиғини тиклаш бўйича зарур вазифаларни ўз вақтида бажариш имконини берди”³. Шунингдек, Сюй Тао коронавирус инфекциясининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирлар қабул қилинишини алоҳида эътироф этиб, Ўзбекистон пандемиянинг мамлакат ва дунё учун қандай жиддий иқтисодий оқибатларга олиб келишини ўз вақтида олдиндан кўра билганлигини эътироф этди. Хитойлик эксперт Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартда имзоланган “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони⁴ ўта муҳим аҳамиятга эгалигини, ушбу ҳужжатда аниқ ва самарали чоралар, хусусан, мумкин бўлган иқтисодий йўқотишлар ўрнини қоплаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш каби масалалар кўзда тутилганлигини таъкидлади⁵.

Сеулдаги Корё университетининг профессори, айти вақтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида COVID-19га қарши курашиш бўйича эксперт-маслаҳатчи лавозимида фаолият юритаётган Цой Чже Ук ҳам Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни юксак кадрлашини билдирар экан, Ўзбекистоннинг COVID-19га қарши курашда улкан натижаларга эришаётганини алоҳида қайд этди. Унинг сўзларига кўра, четдан юқумли касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун чегаралар ёпилгани, беморларни ташхислашда самарали усул қўлланилаётгани, ижтимоий карантин дастурлари амалга оширилаётгани, “ўзини яқкалаш” бўйича махсус жойлар ташкил қилингани ҳамда беморларни даволаш учун тўртта янги шифохонанинг бунёд этилаётгани коронавирусга қарши курашишда ижобий натижаларга эришишнинг муҳим омили бўлмоқда. Цой Чже Ук фикрини давом эттирар экан, ҳатто энг ривожланган

²Ўзбекистонда коронавирус тарқалишига қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар Покистонда юқори баҳоланмоқда. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/19670-zbekistonda-koronavirus-tar-alishiga-arshi-amalga-oshirilajotgan-chora-tadbirlar-pokistonda-yu-ori-ba-olanmo-da>.

³Хитойлик эксперт Ўзбекистоннинг пандемияга қарши кураш тажрибасини эътироф этди. <http://xs.uz/uzkr/post/khitoylik-ekspert-ozbekistonning-pandemiyaga-qarshi-kurash-tazhibasini-etirof-etdi>.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4800005>.

⁵Жанубий корейлик эксперт: Ўзбекистон COVID-19га қарши курашда ажойиб натижаларга эришмоқда. <http://xs.uz/uzkr/post/zhanubij-koreyalik-ekspert-ozbekiston-covid-19ga-qarshi-kurashda-azhojib-natizhalarga-erishmoqda>.

мамлакатларда ҳам ушбу юкумли касалликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда Ўзбекистондаги каби самарали чораларни топиш қийинлигини таъкидлади. Ўзбекистондаги рақамларни бошқа мамлакатлар билан солиштирганда, инфекцияни юқтирганлар сони ва ўлим даражаси анча пастлигини айтиб ўтди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида қабул қилинган тезкор ва самарали қарорлар, шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда назорат қилиш бўйича олиб борилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижаси эканлигини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлигини ҳимоя қилиш учун соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан барча имкониятлар ишга солинаётганини эътироф этди корейс мутахассиси⁶.

Юқорида эътироф этилганидек, бугунги кунда дунёда жуда катта ташвиш келтириб чиқараётган коронавирус пандемиясига қарши юртимизда аниқ мақсадга йўналтирилган жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда коронавирус оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ўз вақтида тўғри баҳоланиб, жиддий қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев бу чораларни миллатни, унинг бугуни ва эртасини асраб қолиш даражасидаги курашга қиёслади. Хорижда турли сабабларга кўра қолиб кетган ватандошларимизни мамлакатга қайтариш борасида Ўзбекистон ҳақиқий инсонпарварлик намунасини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам давлатимиз томонидан белгиланган тартиб ва чора-тадбирларга нисбатан юксак ижтимоий бирдамлигини намойиш этиб келмоқда.

Коронавирус балосини бартараф этиш учун шифокорларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида кўрсатаётган хизматлари том маънода қаҳрамонликдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда коронавирус инфекциясидан соғайганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга йўллаган мактубида келтирилган қуйидаги фикрлар пандемияга қарши кураш бўйича Ўзбекистон тажрибасининг жаҳоний эътирофининг яна бир тасдиғи бўлди: “Сизнинг Ҳукуматингиз томонидан Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолайман”⁷.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси халқаро миқёсда юксак даражада баҳоланмоқда. Бунда, албатта, шарафли ва масъулиятли касбига бўлган меҳри, шижоати ҳамда ўзининг буюк жасорати билан намуна бўлаётган қўли енгил шифокорларимизнинг хизмати катта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмағи, сабр-тоқати билан бу офат жиловлаб турилибди. Лекин барибир барчамиз зийраклик ва эҳтиёткорлик билан карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ.

⁶ Жанубий корейлик эксперт: Ўзбекистон COVID-19га қарши курашда ажойиб натижаларга эришмоқда. <http://xs.uz/uzkr/post/zhanubij-koreyalik-ekspert-ozbekiston-covid-19ga-qarshi-kurashda-azhojib-natizhalarga-erishmoqda>.

⁷ Халқимизнинг эзгу фазилатлари коронавирусга қарши курашишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. <http://xs.uz/uzkr/post/khalqimizning-ezgu-fazilatlar-koronavirusga-qarshi-kurashishda-hal-qiluvchi-ahamiyat-kasb-etmoqda>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) – 2019 ЙИЛДА

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан халқимиз фаровонлиги йўлида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилди. Бу ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, ҳар бир фуқаро ва оила фаровонлиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари таъминланди. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва уни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида қабул қилинган 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармон ва қарорлари Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга, қулай инвестиция муҳитини яратишга, таъсирчан ижтимоий сиёсат олиб боришга хизмат қилмоқда.

2019 йилда яна бир муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

2019 йилда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этди. Хусусан, мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган 5868 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Муваффақиятли амалга оширилган “Меҳр” ва “Меҳр–2” инсонпарварлик тадбирлари доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Сўнгги йилларда давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик

ва меҳр-окибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир нечта фармонлари қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилотларнинг доимий эътирозига сабаб бўлиб келган Жаслик қўрғонида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тузатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши инсонпарвар сиёсатнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Шунингдек, ўтган йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Омбудсман ҳузурида миллий превентив механизм институти жорий этилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунлар ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш

2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Омбудсманнинг қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Вакил ҳузурида қийноқларга солиш ва муомалада бўлиш ҳамда

жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олишга доир чора-тадбирлар тизими (миллий превентив механизм) жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

2019 йилда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қўйидаги дастурлар лойиҳаларига тегишли таклифлар юборилди:

– Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича миллий дастур лойиҳаси;

– Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳаси;

– Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси;

– БМТнинг Қийноқларга солишга қарши қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича Ҳаракатлар миллий дастури (“Йўл харитаси”) лойиҳаси.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тармоқ дастурларини амалга ошириш давом эттирилди.

Вакил томонидан амалдаги қонунларга, идоравий ҳужжатларга ва лойиҳалаштирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ҳам тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари ижроси устидан мониторинг

2019 йилда Вакил томонидан Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Андижон, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида жойлашган 20 та жазони ижро этиш муассасасига ва 6 та тергов ҳибсхонасига жами 26 та мониторинг ташрифи амалга оширилди. Мониторинг гуруҳларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” нодавлат ноτιжорат ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мониторингларда қамоқда сақланаётган шахсларни сақлаш шароитлари, улар билан муомалада бўлиш тартиби, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва овқатлантиришнинг ташкил этилиши ўрганилди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар меҳнатини ташкил қилиш, улар билан тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мониторинг ташрифлари давомида қамоқда сақланаётган шахслар билан жамоавий 3000 дан ортиқ учрашувлар ва 248 киши билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Ўтказилган мониторинг озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони ижро этишни ташкил қилиш, шахсларни тергов ҳибсхоналарида сақлаш мамлакатимизнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилаётганлигини таъкидлаш имконини берди.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари ва механизмлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашмоқда. 2019 йил давомида минтақавий вакиллар 66 маротаба жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини бориб кўрдилар, у ерда сақланаётган 881 нафар шахс билан учрашувлар ўтказдилар.

2019 йилда қамоқда сақланаётган шахслардан Вакилга 1314 та мурожаат келиб тушди, бу 2018 йилга нисбатан 1,4 баравар кўпдир. Суд қарорлари, терговнинг боришидан норозилик битилган барча шикоятлар ва ҳукми енгиллаштириш тўғрисидаги аризалар Вакил томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратураси билан биргаликда ўрганилади ва кўриб чиқилади. Жазони ўташ билан боғлиқ мурожаатлар Ички ишлар вазирлиги иштирокида кўриб чиқилади.

**Мурожаатларни кўриб чиқиш,
инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини
ҳимоя қилиш бўйича фаолият**

2019 йилда Вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 12822 та мурожаат қабул қилинди. Шундан, шахсий қабулда 1639 та, сайёр қабулларда 318 та, почта ва телеграф алоқаси орқали 5796 та, “Ишонч телефони” орқали 1803 та, Омбудсманнинг Виртуал қабулхонаси орқали 1970 та, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали 91 та ва www.pn.gov.uz интернет портали орқали 1205 та мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг 38,8 фоизи инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, 31,6 фоизи ижтимоий, 25,3 фоизи иқтисодий, 3,5 фоизи сиёсий ва 0,8 фоизи экологик ҳуқуқларига тегишлидир.

Мурожаатлар моҳияти ва мазмунини ўрганиш якуналари бўйича 3231 нафар мурожаат этувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бўйича кейинги чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди, шунингдек улар амалда кўриб чиқилиши учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 9591 та сўров ва хатлар юборилди. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман 2561 та шикоятни кўриб чиқишни ўз назоратига олди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларига улар бўйича 3024 та сўровлар юборди.

Омбудсманга такроран юборилган мурожаатлар 1991 тани ташкил этди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мурожаатни кўриб чиққан давлат органи белгиланган муддатларда жавоб юбориши, мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича далил-исботларни асослаши ёки рад этиши шарт. Мазкур талабларга риоя қилмаслик такрорий мурожаатлар сони ошишига олиб келади. Жорий йилда уларнинг сони 2018 йилга нисбатан 1,6 баравар ошди. Такроран юборилган мурожаатларнинг 39,4 фоизи суд органлари ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ.

**Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро
ҳамкорликни ривожлантириш**

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг БМТ органлари, ЕХХТ, Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянси, ЮСАИД, “Халқаро қамқоғоналар ислоҳоти”нинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси (PRI) каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги фаол ривожланиб бормоқда. Вакил инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда, бундай ҳамкорлик чет эллик ҳамкасблар билан икки томонлама асосдаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш йўли билан амалга оширилади.

Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ Омбудсман томонидан Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянсида аккредитациядан ўтиш бўйича концепция ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи муассасалар Глобал альянси кўмагида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалари минтақавий маслаҳатлашувларини ташкил этди. Тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон омбудсманлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертлар иштирок этди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида Вакил ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўлими ҳамда “Халқаро қамқоғоналар ислоҳоти”нинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси (PRI) иштирокида Омбудсман тизимида Париж принципларига ва халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ Миллий превентив механизмини жорий этишга бағишланган халқаро экспертларнинг учрашуви ташкил этилди.

АНЖУМАНЛАР. ТАДБИРЛАР. ТАҚДИМОТЛАР

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИНГ АХБОРОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида биринчи маротаба Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ахбороти кўриб чиқилди. Ахборотда Миллий марказнинг 2018-2019 йиллардаги фаолияти ҳақида маълумот берилди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги пайтгача инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 асосий шартномаси ва 4 Факультатив протокоliga қўшилган. Ўзбекистон томонидан ушбу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

Мамлакатда кейинги икки йилда мазкур халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги нишонланган кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ушбу қарор, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларига доир маърузаларни тайёрлаш бўйича миллий механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини амалга ошириш борасида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг қақирғига жавоб бўлди.

Қарорда Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим

этиши белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу ахборот тегишли тартибда киритилди.

Парламентларо Иттифок тавсияларига асосан Марказ билан Олий Мажлис палаталари ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳалари ҳамда бу маърузаларни БМТнинг шартномавий қўмиталарида кўриб чиқиш натижалари юзасидан парламент қўмиталарида мунтазам муҳокамалар ўтказиш анъанаси шакллантирилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларига изчил амал қилинмоқда. Хусусан, бугунги кунда бу борада миллий ҳаракатлар режаларини (“Йўл хариталари”ни) бевосита Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилган.

Халқаро мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида ўтган даврда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар тайёрланди. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”, “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларига таклифлар берилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимизга БМТ Бош қотиби, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, БМТнинг Диний эътиқод бўйича махсус маърузачисининг амалга оширган ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди.

2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси ҳужжати сифатида тас-

дикланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг “самарқандча руҳи”ни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлади.

Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Халқаро ҳужжат лойиҳаси барча манфаатдор томонларга муҳокама учун жўнатилди.

2019 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 40 йиллигини нишонлашга бағишланган кенг кўламдаги тадбирлар ўтказилди.

2019 йил сентябрда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга келди. БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

2019 йилда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича бешта миллий маъруза тайёрланиб, тақдим этилди. Хусусан, БМТ томонидан Қийноқлар бўйича конвенция бажарилиши борасида Ўзбекистоннинг Бешинчи маърузаси ҳамда Ирқий камситишлар барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Ўнинчи-Ўн иккинчи маърузаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури парламент томонидан тасдиқланди. Шу асосда “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирлар изчил бажарилмоқда.

БМТнинг устав ва шартномавий органлари, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон 2021-2023 йилларга бўлган даврда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик учун номзодини илгари суриши бўйича баёнот берди. Ҳозирда мазкур Кенгашга аъзолик учун номзодни илгари суриш бўйича сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси билан ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясини тайёрлашда фаол иштирок этди

ва Декларацияда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тўғрисидаги нормаларни киритишни таклиф этди.

2019 йил 7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг “Тинч, демократик жамиятлар куриш ва барқарор ривожланишда ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзуида Олтинчи йиллик семинари ўтказилди. Халқаро анжуман якунида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 3 та шартномаси ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ноҳуқумат ташкилотлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистонга “Хьюман Райтс Вотч”, “Амнести Интернейшнл”, “Коттон Кампейн”, Норвегия Хельсинки қўмитаси, Халқаро юристлар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик каби халқаро ташкилотларнинг делегациялари ташриф буюрди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ нодавлат ноtijорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки тобора кучайиб бормоқда. Мазкур институтлар юргимизда демократик кадриятларни ҳимоя қилишда фаол қатнашмоқда. Кейинги даврда уларнинг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти тубдан кучайгани алоҳида эътиборга моликдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти депутатлар томонидан маъқулланди. Шу билан бирга, қонун лойиҳаларини инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари билан мукаммаллаштириш, бу борада ривожланган давлатларнинг ибратли тажрибасини ўрганиш, сайловчиларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари бўйича фикрлар билдирилди.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ТАЪСИРИ

Жорий йилнинг 9 апрель куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари М.Бачелет билан COVID-19 пандемиясининг бутун дунёда инсон ҳуқуқларига амал қилинишига нисбатан таъсирга бағишланган илк виртуал норасмий мулоқот ташкил этилди. Мулоқотда мамлакатимизнинг Доимий вакили ҳам иштирок этди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши раиси, Австриянинг Женевадаги Доимий вакили Э.Тихи-Фисльбергер ўзининг кириш сўзида COVID-19 пандемияси туфайли жаҳон ҳамжамияти илгари кузатилмаган таҳдидларга дуч келганини ва бу таҳдидлар сайёрамизнинг исталган ҳудудида жамият ва иқтисодиёт негизларининг ишдан чиқишига олиб келиши мумкинлигини қайд этди.

Ҳозирги вазиятда мамлакатлар, бир томондан, инсон соғлиғини асраш, ҳаётини ва яшаш учун зарур манбаларни сақлаб қолиш, иккинчи томондан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ҳаракатланиш эркинлиги ва тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқини таъминлаш ўртасида ўта қийин мурсо йўлини излаб топишларига тўғри келмоқда.

Олий комиссар М.Бачелет ўз мурожаатида COVID-19 пандемиясидан энг кўп зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатлардан ҳеч ким четда қолмаслиги зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, жамиятни тиклаш стратегиясининг пухталики билан ишлаб чиқилиши жуда муҳимдир.

Олий комиссар бу глобал эпидемияга қарши самарали курашиш борасида қўшма ва глобал ёндашув талаб этилишига эътибор қаратди. «Пандемия жамиятдаги тенгсизликнинг вайронкор таъсирини кучайтирмоқда, вируснинг кенг тарқалиши оқибатида юзага келаётган глобал кўламдаги хавф-хатар эса умумжаҳон миқёсида осон тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини яратиш заруратининг энг ишончли далилидир», деди у.

М.Бачелет тенгсизликнинг янада ўсиши билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтириш мақсади-

да мамлакатлар томонидан ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинишига доир ғояни қўллаб-қувватлади.

Шу билан бирга, Олий комиссар инкироз даврида фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларга амал қилиниши муҳимлигини ҳам таъкидлади. Хусусан, унинг айтишича, айрим мамлакатлар томонидан чекланмаган муддатли фавқулодда вазият тартиби («муддатсиз чеклов чоралари») жорий этилиши, шунингдек, сўз эркинлиги соҳасида кузатилаётган жиддий сиқувга олиш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралаштириш ҳолатлари ўта ташвишлидир.

М.Бачелет мурожаати якунида БМТ Бош қотиби А.Гутерришнинг қуйидаги сўзларини иқтибос сифатида келтириб ўтди: «Биз барчамиз янада инклюзив ва барқарор иқтисодиётни қайтадан барпо этишимиз ҳамда ларзаларга бундан ҳам бардошли жамиятни шакллантиришимиз зарур».

Мунозараларда бир қатор мамлакатлар ва турли ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ўз шарҳ ва саволлари билан иштирок этди.

Шундай қилиб, барча чиқишларнинг асосий мазмунини умумлаштирган ҳолда, қуйидагича мухтасар ифодалаш мумкин:

- ҳуқуқ устуворлигини, гендер тенглик ва инсонпарварлик принципларига амал қилинишини таъминлаш зарур;

- рақамли кузатув технологияларидан фойдаланилиши халқаро ҳуқуққа мувофиқ бўлиши лозим, пандемия рақамли назоратни кучайтириш учун бир баҳона бўлиб қолмаслиги керак;

- COVID-19 билан боғлиқ чекловлар ҳуқуқларнинг камситилишига олиб келишига йўл қўйиш мумкин эмас, пандемия муносабати билан кўриладиган чоралар мутаносиб, муддати чекланган, шаффоф ва мунтазам қайта кўриб чиқиладиган бўлиши даркор;

- карантин чоралари ёки фавқулодда вазият тартиби амал қиладиган даврда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида парламентлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг роли сақланиши муҳим ҳисобланади.

МАРИМУТУ НАДАСОН: «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲУКУМАТИ АТРОФИДА ЖИПСЛАШИБ, КОРОНАВИРУСНИ ЕНГИШИГА ИШОНАМАН»

**Халқаро истеъмолчилар ташкилоти президенти Маримуту Надасон
коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда амалга оширилаётган
чора-тадбирларга муносабат билдирди**

Шу кунларда бутун жаҳон коронавируснинг мисли кўрилмаган пандемиясига дуч келмоқда, у деярли барча мамлакатларга тарқалиб бўлди. Ушбу мамлакатлар халқлари вирусни жиловлаш ва йўқ қилиш йўлида курашмоқда. Барчамизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида уни тез орада енгишимиз ва ҳаёт карантиндан сўнг яна ўз изига тушиб кетишига ишонаман.

Мен 2020 йил 15 – 18 январь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган Биринчи Европа ва Осиё мамлакатлари истеъмолчилари форумида қатнашиш учун гўзал мамлакатингизга борган ва унинг ажойиб халқи билан учрашиш бахтига муяссар бўлган эдим. Ўша форумда ўнлаб халқаро экспертлар ҳамда турли мамлакатларнинг давлат ва нодавлат истеъмолчилар ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилган эди. Ўша масалалар пировардида бутун дунёда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни яхшилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Қайд этиш жоизки, БМТнинг истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг етакчи принципларидан бири – истеъмолчиларни уларнинг саломатлиги ва хавфсизлигига путур етказиши мумкин бўлган хавфлардан ҳимоя қилишдир.

Шунинг учун Жаҳон истеъмолчилар ташкилоти коронавирусни тийиб туриш, тарқалишига йўл қўймаслик ва бартараф этиш йўлида қўлидан келган барча ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мана шу ишга ўз ҳиссасини қўшаётгани, карантин вақтида мамлакатда истеъмол товарлари нархи ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида назорат кампанияси ўтказаяётгани, ўз маблағлари ҳисобидан шахсий ҳимоя воситаларини сотиб олиб, аҳолига тарқатаётгани ҳамда тиббиёт соҳаси мутахассислари билан ҳамкорликда миллий, минтақавий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида вирусни юқтирмаслик учун гигиена қоидаларига қатъий амал қилишга даъват этувчи кўплаб материаллар тайёрлаб, эфирга узатаётгани ва эълон қилаётганини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Мен Ўзбекистонга сафарим чоғида меҳмондўст ва меҳнатсевар ўзбек халқи тозалик ва тартибни қанчалик яхши кўришига шахсан гувоҳ бўлган эдим. Айни ҳол коронавирус тарқалишига ишончли тўсиқ бўлиши шубҳасиз. Ўзбеклар коронавирусни умумий саъй-ҳаракатлар билан даф қилиш йўлида ҳукумати атрофида янада жипсроқ бирлашишига ва пировардида уни енгишига ишончим комил.

Ушбу синовли кунларда ўзингиз ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг.

БМТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕШИНЧИ ДАВРИЙ МАЪРУЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 2-3 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 128-сессияси бўлиб ўтди. Анжуман доирасида “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактга риоя этилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди.

Ушбу нуфузли халқаро сессияда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов сўзга чиқиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт мезонларига риоя этилишини таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 128-сессияси доирасида БМТнинг Женевадаги бўлими қароргоҳи – Миллатлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасига бағишланган брифинг ўтказилди. Тадбир Ўзбекистоннинг Женевадаги Доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Унда Парламентлараро Иттифоқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, БМТнинг Женевадаги бўлими, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага аъзо давлатлар-

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг нуфузли экспертлари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқларни юқори баҳоладилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонга БМТ экспертларининг ташриф буюриши ва улар томонидан берилган тавсияларнинг бажарилиши мамлакатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қатъий содиқлигидан далолат беради. Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича қатъий чоралар кўрилгани, узоқ йиллардан бери мамлакатда истиқомат қилаётган кўплаб инсонларнинг фуқароликка эга бўлиш билан боғлиқ муаммолари ҳал қилингани таҳсинга сазовор.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзолари Ўзбекистон делегациясига миллий маърузани муҳокама қилишга очик ва конструктив ёндашгани учун миннатдорлик билдирдилар.

нинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари, эксперт-таҳлилчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифингда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов иштирокчиларни Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан парламентга йўлланган Мурожаатноманинг асосий жиҳатлари ва республикани ривожлантириш бўйича унда белгиланган устувор вазифалар билан таништирди.

Тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди. ОАВ вакиллари ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва унга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган ва уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаш белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида мазкур ахборот тайёрланди. Ахборотда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши бориши тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган.

Жумладан, ахборотда 2018-2019 йилларда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини имплементация қилиш,

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги инсон ҳуқуқлари бўйича ташаббуслари, инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномалар қоидалари бажарилиши борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуи, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун яратилган қонунчилик ва институционал асослар, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини мониторинг қилиш тизими шаклланганлиги, халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар рақам ва фактлар асосида сарҳисоб қилинган.

Шунингдек, ахборотда инсон ва фуқароларнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини миллий қонунчиликка жорий қилиш соҳасидаги тизимли муаммолар кўрсатиб ўтилиб, келгусида уларни ҳал қилиш йўллари таклиф қилинади. Шу жумладан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини қабул қилиш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар тавсиялари асосида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва бошқа таклифлар ўрин олган.

БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖА СЕГМЕНТИ

2020 йил 24-26 февралда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 43-сессиясининг Юқори даража сегменти бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда БМТ Бош котиби А.Гутерриш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари М.Бачелет, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, инсон ҳуқуқлари соҳасига масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шу жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг устувор вазифалари муҳокама қилинди, ушбу соҳада мустаҳкам халқаро ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари А.Саидов Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чуқур ислохотлар, жумладан болалар, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглиги принципини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, 2019 йил 22 декабрда Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар якуни натижасида мамлакатда янги сиёсий муҳит шаклланиши қайд этиб ўтилди.

Тадбир иштирокчиларининг эътибори мамлакатимизнинг янги парламентида аёл депутатлар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32 фоизини, сенатор аёллар эса жами сенаторларнинг 25 фоизини ташкил этганлигига қаратилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон парламенти жаҳондаги 190 та парламентлар ўртасида 37 ўринни эгаллади.

Юқори даража сегмент иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги энг муҳим тамойиллардан хабардор қилинди. Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича ахборот берилди.

Ўзбекистоннинг халқаро шериклар, биринчи навбатда, Марказий Осиё мамлакатлари, БМТ, ЕХХТ,

Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳамкорликдаги устувор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда БМТ, шу жумладан унинг шартномавий ва устав ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан БМТ доирасидаги ташаббуслар мустаҳкамланди. Юқори даража сегментида иштирок этувчи давлатлар вакиллари жорий йилда Самарқандда ўтказилиши мўлжалланган инсон ҳуқуқлари бўйича анжуманга таклиф қилинди. Ушбу анжуман Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланади.

Ўзбекистон шерикларига Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича халқаро кўп шериклик траст жамғармаси доирасида фаол иштирок этиш таклиф этилди. Ушбу жамғарма доирасида Орол денгизи минтақасида яшаётган ҳамжамиятнинг экологик, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳал этишга мўлжалланган қўшма лойиҳалар амалга оширилади. Бу, шунингдек Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни тезлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилганлиги ва у жамоатчилик муҳокамасига қўйилганлиги маълум қилинди. Мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари самарали бажарилишини таъминлашга қўмаклашадиган ушбу ҳужжатни амалга оширишда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашда иштирок этувчи давлатлар бу ҳужжатни қўллаб-қувватлашларига ва ушбу масалада ҳамкорлик қилинишига умид билдирилди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари А.Саидов БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 43-сессияси Юқори даража сегменти доирасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари М.Бачелет, Парламентлараро иттифоқ Бош котиби М.Чунгонг, Арманистон ташқи ишлар вазири З.Мнацакян, Жаҳон савдо ташкилотининг Бош директори Р.Азеведу ва унинг ўринбосари А.Вульф билан учрашди.

КОРОНАВИРУС ИНСОННИ ХУҚУҚЛАРИДАН МАХРУМ ЭТМАЙДИ

2020 йил 15 апрель куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий бўлими раҳбари Ришард Коенда ва БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер ўртасида видеоконференцалоқа ташкил этилди.

Видеоконференцалоқа чоғида COVID-19 пандемияси шароитларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига доир кенг қамровли масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Ҳукумати коронавирус тарқалишига қарши курашда қўллаётган қатъий зарур, шу билан бирга самарали, таҳдидларга мутаносиб чора-тадбирлар ва COVID-19 пандемиясининг инсон ҳуқуқларига, айниқса, жамиятнинг заиф қатламга мансуб шахслар – болалар, аёллар, мигрантлар ва маҳбуслар ҳуқуқларига муқаррар равишда кўрсатадиган салбий таъсири оқибатларини камайтириш борасида амалга ошираётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Давлат томонидан кўрилатган инқирозга қарши чораларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мунтазам асосда ўзаро ишончли ахборот алмашинуви йўлга қўйилганлигига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг COVID-19 вирусига қарши курашда иштирок этиш борасидаги тажрибасига боғлиқ экани таъкидланди.

Бундан ташқари, томонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси доирасида тайёрланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегия-

си лойиҳасини атрофлича муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини самарали бажаришига қаратилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миллий стратегия лойиҳаси миллий маслаҳатлашувлар доирасида муҳокама қилинган. Бу жараёнда, жумладан, БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси ва БМТнинг мамлакатимиздаги Агентликлари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий бўлими, шунингдек ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан шарҳ ҳамда таклифлар келиб тушган.

Лойиҳа юзасидан ўтказилган миллий маслаҳатлашувлар асносида фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари ва дипломатик корпус вакиллари ҳам ўз таклифларини тақдим этган. Ана шу таклиф ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳа матни маромига етказилди ва жамоатчилик муҳокамаси учун Марказ сайтига қайта жойлаштирилди.

Видеоконференцалоқа давомида томонлар Миллий стратегия лойиҳасини янада такомиллаштиришнинг истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.

Мулоқот якунида БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Ихтиёрий миллий маърузаси лойиҳасига тавсиялар ишлаб чиқиш масаласига эътибор қаратилди.

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

2020 йил 11-14 февраль кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази делегацияси Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига ташриф буюриб, бир қатор муҳим учрашув ва мулоқотлар ўтказди.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Буюк Британия ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва илм-маърифат доиралари намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, таҳсил олаётган талабалар ҳамда элчихона ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил сўз юритилди. Унда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муҳим стратегик йўналишлари белгилаб берилганлиги, бу мамлакатнинг яқин истиқболга мўлжалланган ривожланишининг ўзига хос “йўл харитаси” эканлиги таъкидланди.

Мурожаатномада Ўзбекистоннинг БМТ миқёсидаги халқаро ташаббусларини рўёбга чиқариш йўлида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида иштирокини фаоллаштиришда хорижий ҳамкорлар билан янада яқин муносабатлар муҳим аҳамият касб этади.

